

Da'vat

Mamlakatimizda muhim siyosiy, iqtisodiy-ijtimoiy qarorlar qabul qilishda xalq qalbining ko'zgusi bo'lmish matbuot fikrini inobatga olish alohida ahamiyatga ega.

Islom KARIMOV

Kuch - bilim va tafakkurda



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT

XALQ ZIYOLILARI GAZETASI

معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2004-yil 20-noyabr, shanba

№ 94 (7703)

ЎЗБЕКИСТОН— ТУРКМАНИСТОН:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов таклифига биноан Туркменистон Президенти Сапармурот Ниёзов 19 ноябрь куни расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.

Тарихи ва маданияти чамбарчас боғланган, тили ва дини бир ўзбек ва туркман халқлари минг йиллар давомида ёнма-ён яшаб келади. Бу икки халқ тараққиёт даврларини ҳам, зулму истибдод замонларини ҳам биргаликда бошдан кечирган.

Истиқлолга эришгандан кейин Ўзбекистон ва Туркменистон раҳбарларининг бир неча бор олий даражадаги учрашувлари ўтказилди. Бу саммитлар ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантиришга интилаётган мамлакатларимизнинг янгича асосдаги муносабатла-

рига тамал тошини қўйди ва унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлади.

Президент Сапармурот Ниёзовнинг Ўзбекистонга 1997 йилдаги расмий ташрифи асосида Хива шаҳрида буюк туркман шоири ва мутафаккири Махтумқулнинг ҳайкали очилган эди. Бу бир-бирининг ижодкорлари асарларини таржимасиз ўқийдиган икки халқ маданий ҳаётида улкан воқеа бўлганди.

Туркман элининг сардори бу сафар пойтахтга эмас, Бухорои шарифга ташриф буюрди. Бунда ҳам чуқур маъно бор. Маданий меросимиз сингари азиз-авлиёларимиз, муқаддас қадамжоларимиз умумий эҳтиромда.

19 ноябрь куни бу қадимий шаҳар аввал саммит мезбони — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Кари-

мовни кутиб олди. Сўнгра Туркменистон раҳбари келди.

Бухоро аэропортида олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Анжуман Президентларнинг яккама-якка мусохабасидан бошланди. Ислон Каримов ва Сапармурот Ниёзов Ўзбекистон — Туркменистон ҳамкорлигига доир масалаларни муҳокама қилдилар. Айрим сув хўжалиги иншоотларидан ҳамкорликда фойдаланиш, Кўкдумалоқ конини ўзлаштириш истиқболлари, давлат чегарасини делимитация қилиш ва қўплаб бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Президентлар минтақавий ҳамкорлик, иқтисодий интеграция ва хавфсизлик масалалари, шунингдек, Афғонистондаги вазият юзасидан ҳам атрофлича фикр алмашдилар.


Олий даражадаги бу учрашув Ўзбекистон ва Туркменистоннинг ҳамкорлик йўлидаги интилишлари муштарак эканлигини кўрсатиши таъкидланиб, ушбу саммит икки томонлама муносабатлар ривожига янги босқични бошлаб беришига ишонч билдирилди.

Икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокарасида мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалалари асосий эътиборда бўлди.

Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми сўнгги йилларда ошиб бормоқда. Ўтган йили бу борадаги кўрсаткич 90 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, жорий йилнинг 9 ойида 146,5 миллион доллардан ошди.

(Давоми 2-бетда)

«ҲАР ҲАФТАНИНГ ШАНБАСИ — МАТБУОТ НАШРЛАРИ КУНИ»



“Obuna—2005”

“Ma'rifat”ни қўлида тутиб турган бу зиёли инсон Ботир Раҳимов газетанинг салкам қирқ йиллик муштарийси (барча тахламларни сақлаётган) экан.

Биз у киши билан “Матбуот кунлари” муносабати билан Хоразм вилоятига ташриф буюрганимизда учрашдик, танишдик. “Газетанинг мухлисман” деган кишига иккиланиброқ қараймиз, одатда. Чунки, “қайси бир мақола сизга ёқди, газетада нималар етишмаяпти” каби саволлар берилганда умумий жавоблар эшитасиз. Демак, бу инсон “кўнглингизни кўтариш учун” сизни мақтаётган бўлади. Бироқ Ҳазорасп тумани 1-мактаб директори, “Меҳнат шухрати” ордени соҳиби Ботир ака Раҳимов газетанинг ҳақиқий муштарийси эканларки, биз буни берилган саволларга жавоблардан дарҳол англадик. Бундан ташқари, у киши газетанинг ҳар бир сонини ўқиб, фикрларни, тажрибаларни, ғояларни ҳаётга татбиқ этиш учун конспект ёзар эканлар (конспект дафтарни кўрдик). Яна бир жиҳат. Биз ҳам таҳририятда газетанинг йиллик сонини жамлаб, “подшивка” қила-

миз. Лекин икки йиллик жамламасини биринчи бора у кишининг иш столида кўрдик (суратга қаранг.) Бироз нотабий, лекин хурсанд қилади журналистни.

Энг асосийси бошқа ёқда. Матбуотда чоп этилган энг сара дарс ишланмалари, янгиликлар, яхшиликлар бу мактаб ўқитувчилари томонидан, албатта, ижодий ёндошилган ҳолда тажрибадан ўтказилар экан.

— Мактабимизда ҳар ҳафтанинг шанба кунларини “Матбуот нашрлари куни” деб эълон қилганмиз. Энг яхши, аҳамиятли мақола ва чиқишларни муҳокама қиламиз, таҳлилга тортамиз, муносабат билдирамиз, — дейди Ботир ака.

Шу боис ушбу мактаб энг илғор ҳисобланади, энг кўп мукофот ҳам шу мактаб ўқувчиларига берилади. “Энг... энг” билан бошланадиган ўзига хосликлар кўп бу таълим даргоҳида. Бунинг боиси эса, энди сизга маълум, азиз муштарий!

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

ГАЗЕТАНИ
ВАРАҚЛАГАНДА:

САЙЛОВ
КАМПАНИЯСИ
ДАВРИДА
ташаббускор
гуруҳлар фаолияти
қандай бўлади?

4-бет

УСТАМА ҲАҚ
БЕРИШ
ТАРТИБИ:
МУАММО
НИМАДА?

6-7-бетлар

КИМНИ
АЛДАЯПМИЗ?

10-бет

КҮК КРУЖКА
(бўлган воқеа)

12-бет

Ibrat

“Qizilqumsement” aksiyadorlik jamiyati direktori Rajabali Jumaniyozov Navoiy viloyatidagi xalq ta'limi inshootlarini qurish va jihozlashdagi homiylik yordamlari uchun O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligining "Ta'lim homiyisi" ko'krak nishoni bilan taqdirlandi.

ЎЗБЕКИСТОН—
ТУРКМАНИСТОН:

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатларимиз ўртасида транзит юк ташишда ўзаро хизмат кўрсатиш соҳасида мустақам ҳамкорлик қарор топган. 2003 йили Ўзбекистон ҳудуди орқали Туркманистонга тегишли 1 миллион 894 минг тонна, жорий йилнинг 8 ойи давомида эса 1 миллион 255 минг тонна юк ташиб ўтилди. Ўзбекистоннинг Туркманистон ҳудуди орқали ўтган экспорт-импорт юклари ҳажми 2004 йилнинг 8 ойида 2 миллион 666 минг тоннани ташкил этди.

Кўрсаткичлар юксалаётганига қарамай, савдо-иқтисодий ҳамкорлик бобида имкониятлар тўлиқ ишга солилмаётгани музокарада алоҳида таъкидланди. Масалан, 1996 йилда тузилган қўшма комиссия фақат икки марта мажлис ўтказган. Ваҳоланки, имкониятлардан кенгроқ фойдаланиш, ҳамкорликни рағбатлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш айнан мана шу комиссия зиммасига юкланган.

Аслида кундалик эҳтиёж моллари билан ҳам яхши савдони йўлга қўйиш, қўшма корхоналар сонини кўпайтириш мумкин. Нефтни қайта ишлаш ва кимё саноати, озиқ-овқат маҳсулотлари шулар сирасидан. Бу масала чуқурроқ таҳлил этилса, ҳамкорлик учун кенг фаолият майдони мавжуд эканлиги аён бўлади. Бу борадаги ҳаракатнинг ҳуқуқий таъминотига келсак, сармояларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантириш, икки томонлама солиқдан қочиш, халқ-

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

аро дарё, йўловчи ва юк ташиш алоқаси тўғрисида икки томонлама ҳужжатлар имзоланган. Иқтисодий ҳамкорликка оид йигирмадан зиёд ҳужжат мавжуд.

Музокарада тегишли вазирлик ва идораларга икки томонлама келишувлардан самарали фойдаланишнинг ва алоқаларни кенгайтиришнинг чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, ишбилармонларнинг бевосита алоқаларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш вазифаларини топширишга келишиб олинди.

Ижтимоий соҳадаги алоқаларнинг ҳам ҳуқуқий пойдевори мустақам. У маданият, таълим, сайёҳлик каби қатор соҳаларни қамраб олган. Ўзбекистонда туркманлар, Туркманистонда ўзбеклар истиқомат қилиши, кўп жойларда икки халқ вакиллари куд-андалик, қариндошлик ришталари билан мустақам боғлангани ҳам ижтимоий алоқаларни ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Ўзбекистонда қатор маҳаллий ҳамда мамлакат миқёсидаги туркман миллий маданият маркази ишлаб турибди. Дарслар туркман тилида ҳам олиб бориладиган 66 мактабда 16 минг бола таълим олмақда.

Ўзбекистон — Туркманистон муносабатлари ҳуқуқий жиҳатдан ҳар томонлама мустақамланган. Икки ўртада жами юздан зиёд ҳужжат қабул қилинган. Улар орасида ўзаро муносабатларнинг асосий тамойиллари акс эттирилган дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома асосий ўрин тутди. Ўзбекис-

тон ва Туркманистон илм-фан, техника ва ахборот соҳаларида, ҳарбий-техникавий ҳамкорлик бўйича ва наркотик моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши курашга оид келишувларга ҳам эришган.

Давр тақозо қилган ўзгаришларга ўз вақтида ва тўғри ёндашиш Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги муносабатларда яхши таомилга айланган. Ислон Каримов ва Сапармурот Ниёзов Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасида дўстлик, ўзаро ишончни мустақамлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги шартнома, фуқароларнинг ўзаро қатновлари ва чегарабўйи вилоятларида яшовчи фуқароларга енгиллаштирилган қатнов тартиби тўғрисидаги ҳамда чегарабўйи вилоятлари ҳудудида жойлашган ҳўжалик объектларида хизмат қилувчи шахсларнинг Ўзбекистон—Туркманистон чегарасини кесиб ўтиши тўғрисидаги ҳукуматлараро битимларга имзо чекдилар.

Музокаралар якунида ўтказилган матбуот анжуманида Президентлар Ўзбекистон—Туркманистон чегараси дўстлик ва тинчлик чегараси эканлигини, саммит давомида имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасида узоқ муддатли ҳамкорликни барча йўналишларда кенг ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидладилар. Мазкур учрашув икки мамлакат ўртасида баҳсли масалалар, ўзаро муносабатларда томонларни ташвишга соладиган муаммолар йўқлигини кўрсатди.

Сапармурот Ниёзов Туркманистон Ўзбекистон учун яхши кўшни бўлган ва доимо шундай бўлиб қолаётганини алоҳида таъкидлади. Ислон Каримов «узоқдаги қариндошдан яқиндаги кўшни яхши» деган ўзбек мақолини тилга олиб, муносабатлар шу асосда ривожланаётганини қайд этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Туркманистон Президенти Сапармурот Ниёзовга Асака шаҳридаги «ЎздЭУавто» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган «Ласетти» автомобилини совға қилди.

Расмий тадбирлар ниҳоясига етганидан кейин Ислон Каримов ва Сапармурот Ниёзов Баҳоуддин Нақшбанд мажмуини зиёрат қилдилар.

Олий мартабали меҳмон мазкур мажмуанинг бунёд этилиш тарихи, мамлакатимизда буюк аждодлар хотирасини тиклаш ва уларнинг меросини ўрганиш борасида амалга оширилаётган ишлар билан таништирилди.

Сапармурот Ниёзов халқларимизнинг миллий-маданий қадриятлари бир-бири учун гоёт эъзозли эканлигини таъкидлади. Ўзбекистон раҳбариятининг бу борадаги саъй-ҳаракатларига юксак баҳо берди.

Шу билан Туркманистон Президенти Сапармурот Ниёзовнинг мамлакатимизга расмий ташрифи ниҳоясига етди.

Анвар БОБОЕВ,
Илҳом САФАРОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари.

Ўз ҳақ-ҳуқуқини билган одамнинг яшаши осонлашади. Боси, у ўзини беҳуда хафа қилдириб қўймайди ва камдан-кам ҳоллардагина алданган. Бундай кишиларга атрафдагилар ҳам ҳурмат билан муомала қиладилар. Албатта, қонунчилик соҳасида фаолият юритаётганлар ўз ҳуқуқларини яхши билдилар. Аммо ҳамма ҳам ҳуқуқшунос бўлавермайдикун?! Аслини олганда, барча тушунмовчиликларнинг замирида айнан қонунни билмаслик, унга беписандлик билан қараш иллати ётади. Хўш, бунинг олдини олиш учун нима қилиш керак? Айниқса, биз шарқона менталитет таъсирида тарбия олганимиз сабабли кўп ҳуқуқларимиз поймол этилганида ҳам баъзан андиша қилиб тураверамиз. Ўз ҳуқуқини билиш дегани бировни ҳам, ўзини ҳам ҳурмат қилган ҳолда керак

Партага ўқув анжомлари қўйилган. Ўқитувчи «Конституция оламига саёҳат»ни бошлаймиз, деб мавзу номини айтди. Кейин эса ўқувчиларга шундай савол берди: «Болалар, уйда ҳаммамиз кимга бўйсунамиз?» Болалар бирваракайига ота-онамизга, деб жавоб беришди. «Яхши, энди айтинглари-чи, уйда ҳал қилувчи қарорни ким айтди?» «Отамиз». «Тўғри, ана энди давлатни катта бир оила деб оладиган бўлсак, ундаги фуқаролар барча муносабатларда қонунга асосланиб иш кўрадилар. Ҳамма қонунлар Конституциядан келиб чиққан ҳолда қабул қилинади. Демак, Конституция — барча қабул қилинадиган қонунларнинг отаси десак ҳам бўлади. Фарзанд ота ўғитларидан чиқмаганидек, қонунлар ҳам Конституцияга зид келмаслиги лозим».

Bir soatlik dars

— Яшаш ҳуқуқи, — барабар жавоб беришди болалар.
— Баракалла. Бу ҳуқуқ Конституциямизнинг 24-моддасида ўз ифодасини топган.
— Ўқувчиларда қандай ҳуқуқлар бор?
— Ўқиш, яшаш, даволаниш, фикрлаш... — Ўқувчилар бир-бирига навбат бермай ўзлари билганларича жавоб беришарди.
— Буларнинг барчаси тўғри, биз учун энг муҳими эса Конституциянинг 41-моддасида «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бегул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади», деб мустақамлаб қўйилган. Энди эса Конституция ҳақидаги бугун ўрганганларингизни синаб кўрамиз, деб ўқитувчи доскага ишора қилди. У ерда бўйига «Консти-

МАРКАЗИЙ ИНСТИТУТДА
«МАТБУОТ КУНЛАРИ»

Хабар қилганимиздек, вазирлик муассислигидаги газета ва журналларга обуна бўлишни уюшқоқлик билан ташкиллаштириш мақсадида «Матбуот кунлари»ни ўтказиш тўғрисида буйруқ қабул қилинган эди. Ушбу буйруқ асосида вазирлик муассислигида нашр этилаётган газета ва журналларнинг бош

Дастурда кўзда тутилган муҳим ишлардан бири — ўқитувчиларни қайта тайёрлаш, касб маҳоратини оширишдир. Шу сабабли, Абдулла Авлоний номли педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтда тингловчиларга мукамал билим бериш билан бирга турли хил тадбирлар ўтказиш одат тусига айланган. Бундай тадбирлардан тингловчилар мамнун бўлишмоқда. Институт раҳбарияти томонидан шундай тадбирлардан бири 17 ноябрь куни ташкил этилиб, унга таълим



Жумладан, институтнинг мактабдан ташқари таълим кафедраси мудири Санжар Мирсолиҳов вазирлик томонидан эълон қилинган «Мактабдан ташқари таълим самарадорлигини ошириш ўқув йили»га оид мақолаларни кўпроқ бериб бориш зарурлигини таъкидлади.



муҳаррирлари Республика-мизнинг Андижон, Фарғона, Наманган, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси таълим муассасалари бўйлаб хизмат са-

фарида бўлишиб, обуна жараёнини яхши ташкил этиш билан бирга, мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури мазмун-моҳиятини тарғиб қилишмоқда.

Таъкидлаш жоизки, «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» ёш авлодга узлуксиз таълим ва тарбия беришни ўзида тўлиқ қамраб олган ягона таълим мажмуи ҳисобланади. Ушбу ҳужжатда таълимнинг ҳар бир бўғини алоҳида ўрин ва масъулиятга эга. Жорий йилда ҳукумати-миз раҳбари томонидан имзоланган «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги фармон ва ушбу фармон ижросини таъминлаш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорлар ушбу мажмуанинг узвий давоми ҳисобланади.

«Obuna—2005»

Учрашувда институтнинг профессор ўқитувчилари билан бирга, республикамизнинг турли таълим муассасаларидан ташриф буюрган 200 дан ортиқ мактаб раҳбарлари иштирок этиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди, таклиф ва мулоҳазаларини илгари суришди. Жумладан, институтнинг тарих гуруҳи тингловчиси М.Ғофурова (Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани) «Маърифат»нинг саҳифаларида тажрибали ўқитувчиларнинг дарс ишланмаларини кенгроқ ёритиб бориш таклифини берган бўлса, М.Аҳмедов (Сирдарё вилояти, Сайхунбод тумани) янги алифбода берилётган сарлавҳаларга беизак бериш меъёри тўғрисида ўз фикрларини баён этди. Учрашувда институт ўқитувчилари ҳам фаол иштирок этди.



Учрашув сўнггида институт ректори Жўра Йўлдошев бош муҳаррирларга миннатдорчилик билдириб, ижтимоий ҳаётимиздаги янгиликлар билан таъминлашда газета ва журналларнинг ўрни муҳимлигини, обуна жараёнини уюшқоқлик билан ўтказиш мактаб раҳбарларининг вазифаси эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Дониёр ЎРОЛОВ,
Халқ таълими
вазирлигининг
масъул ходими

КОНСТИТУЦИЯ СОАТИ

жойда ўз ҳақини талаб қила олиш демақдир. Бироқ бу ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Бунинг учун ёшларни мактаб давриданок ўргатиб бориш зарур. Акс ҳолда, катта ёшга етиб, дунёқараш шаклланигандан кейин ҳар қанча ўргатманг, самара бериши қийин. Болаларни ўқувчилик вақтларидаёқ ҳуқуқ фанида, Конституция соатларида ўз ҳуқуқини таниб боришга ўргатиш лозим. Хўш, Конституцияга ўқувчиларни қизиқтириш учун қандай усуллардан фойдаланиш керак? Асосий Қонунимиз қабул қилинганлигининг 12 йиллик байрами арафасида мактабларда бу санага бағишланган очиқ дарслар ўтказилмоқда. Ана шундай дарслардан бири Миробод туманидаги 110-умумий ўрта таълим мактабида ўтказилди. 5-синф ўқувчиларига мўлжалланган дарс «Конституция — ҳаётимиз асоси» деб номланди.

Дарс ўтаётган ёш ўқитувчи, ТДПУнинг Тарих факультети «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» йўналиши 4-курс талабаси Ойбек Қодиров кўлига бир плакат олди. Унда катта дарахнинг расми тасвирланганди. Дарахнинг илдизига Конституция, шохларига фуқаролик, уй-жой, жиноят, маъмурий, меҳнат, халқаро каби қонунлар номи ёзиб қўйилган, мевалар ҳам чизилган эди. Ойбек Қодиров плакатни доскага илди-да, тушунтира бошлади: Кўриб турганингиздек, илдиз—бу Конституция. Шохлар эса қонунлар. Демак, барча қонунлар Конституцияга асосланади. Мевалар эса — ҳамма қонунга қатъий амал қилса, мамлакат ривожланиб, янада таррақий этишини билдиради. Конституцияни ўрганиш орқали биз ўзимизнинг барча ҳуқуқларимизни билиб олишимиз мумкин бўлади. Қани, айтинглари-чи, бизнинг энг катта ҳуқуқимиз нима?

туция» деб ёзилган бошқотирма чизилганди. Ўқувчилар кўз очиб юмгунча ўқитувчи томонидан берилган саволларга жавоб бериб, бошқотирмани ечишди.
Кейин эса ўқитувчи Конституцияга оид бир терминни доскага ёзди. «Давлат» деб ёзилган сўзга ўқувчилардан бири таъриф берди ва сўз «т» ҳарфи билан тугагани учун «ташқи сиёсат» деди ва уни изоҳлаб берди. Ўқувчилар бунда фақат терминни шунчаки айтиш билан чекланмасдан, балки фақат билладиганларини айтиб, билмаганларини ўртоқларидан ўрганишди. Дарс шу зайлда давом этаркан, 45 дақиқа ҳам якунига етиб қолди. Устоз ўқувчиларга уйга вазифа бериб хайрлашаркан, ўқувчиларни зериктириб қўймаганидан хурсанд эди.
Биз ҳам Конституцияга бағишланган бу дарсдан қайтар эканмиз, келгуси дарслар бундан ҳам қизиқарлироқ бўлишига умид қилдик.

З.БОБОХЎЖАЕВА

Республика Олий Мажлиси, халқ депутатларининг вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари учун бўлиб ўтадиган сайловлар муносабати билан бошланган Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаоллик сайловолди кампаниясининг асосий хусусиятига айланди.

Бу ерда гап нафақат сайловларда иштирок этувчи сиёсий партиялар сайловолди фаолиятининг кучайиши ва фуқароларнинг сайловларда қатнашишга катта қизиқиш билдиришлари тўғрисида кетмоқда. Таъкидлаш керакки, 2004 йилнинг 26 декабрида ўтказилиши белгиланган сайловларга халқаро ҳамжамият, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари ҳамда кўпгина хорижий давлатларнинг сайлов қонунчилиги ва замонавий сайлов технологиялари соҳасидаги мутахассислари томонидан катта эътибор қаратилмоқда. Бир қатор халқаро конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари ҳамда бошқа халқаро форумларда ҳам сайловолди кампаниясига доир масалаларнинг қизгин муҳокама қилиниши бунинг яққол мисолидир.

Хусусан, 2004 йилнинг биргина сентябрь-октябрь ойларида Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида Марказий сайлов комиссияси, Давлат ва жамият курилиши академияси, Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент давлат юридик институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий Марказ, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, халқаро ва нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигида бир қатор халқаро конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари ўтказилди.

Шундай халқаро конференциялардан бири 18 ноябрь кuni пойтахтимиздаги Халқаро бизнес марказида бўлиб ўтди. Халқаро конференция Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш Маркази, Марказий сайлов комиссияси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамкорлигида ташкил этилди. "Сайловларни ўтказиш жараёнида ташаббускор гуруҳларнинг фаолияти" мавзусидаги навбатдаги халқаро конференцияда кўпгина халқаро ташкилотлар, чет давлатларнинг Ўзбекистондаги дипломатик корпуси вакиллари қатнашди.

Мазкур семинарда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари вакиллари, нодавлат-нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари раҳбарлари ва фаоллари, дипломатик миссияларнинг раислари, Буюк Британия, Германия, Исроил, Хиндистон, Қозоғистон, Польша, Россия, Франция, Жанубий Корея ва бошқа давлатларнинг сайлов қонунчилиги соҳасидаги мутахассислари, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Шунингдек, Ўзбекистондаги БМТ Тараққиёт дастури, АҚШнинг Миллий Демократия ва Халқаро Республикачилар институти, К.Аденауэр ва Ф.Эберт (ГФР) жамғармалари ваколатхоналари экспертлари маъруза килди.

нинг ташаббускор гуруҳлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари илғор халқаро тажрибаларни инобатга олган ҳолда тадрижий равишда ташкил этилаётганлиги халқаро экспертлар томонидан таъкидланди.

Айтиш керакки, 1994 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуни фуқароларнинг мамлакат Конституциясида белгиланган умумхалқ йўли билан, тенг ва тўғридан-тўғри яширин овоз беришга бўлган ҳуқуқларини янада мустаҳкамлади. 1998 йилда эса, Ўзбекистон Республикасининг сайлов қонунчилигига сайловларда сайловчиларнинг барча даражадаги ташаббускор гуруҳлари иштирокини назарда тутувчи қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди.

2002 йилда қабул қилинган

САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ ДАВРИДА

ташаббускор гуруҳлар фаолияти қандай бўлади?

Халқаро семинарда Ўзбекистонда сайловчилар ташаббускор гуруҳлари институтининг ташкил этилиши, шаклланиши ва фаолият юритиш жараёни муҳокама этилди. Форум иштирокчилари сайловларнинг эркинлиги ва ҳақонийлигини таъминлаш, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан кўрсатилган номзоднинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, унинг сайлов комиссиялари, давлат бошқаруви органлари ва сиёсий партиялар билан ўзаро алоқаси каби масалалар юзасидан фикр алмашдилар. Семинарда, айниқса, демократик сайловлар ўтказишнинг халқаро меъёрлари ва Ўзбекистон сайлов қонунчилиги орасидаги алоқадорлик, сайловолди тарғиботи, ишончли вакиллар ва сайлов штабларининг фаолияти, сайловларни молиялаштириш, депутатликка номзод мақомининг бекор қилиниши ва номзодликни қайтариб олиш тартиби, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари фаолиятининг ҳуқуқий-норматив асосини янада такомиллаштириш йўллари аниқлашга катта эътибор қаратилди.


Ўзбекистонда сайловчилар-

Ўзбекистоннинг "Референдум натижалари ва давлат бошқаруви ташкил этишнинг асосий тамойиллари тўғрисида"ги қонуни вакиллик органлари фаолиятини такомиллаштириш, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг сайловларни ташкил этиш ва ўтказишдаги ролини оширишда катта аҳамият касб этмоқда. Ушбу қонун 2002 йилнинг 27 январидан бўлиб ўтган ҳамда икки палатали парламентни ташкил этиш, демократик ва бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш лозимлигини тасдиқлаган умумхалқ референдуми натижаларидан келиб чиқиб амалдаги қонунчиликни ўзгартириш асосини белгилади. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистон Конституцияси моддаларига ва сайлов қонунчилигига тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш учун асос бўлиб хизмат қилди.

Ҳозирда Ўзбекистонда Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш Маркази — сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан кўрсатилган номзодларга ўз сайловолди платформаларини ишлаб чиқишга, сайлов кампанияларини ташкил

**Сайловга
36 кун қолди**

**MUALLIM,
SAYLOVGA
TAYYORMISIZ?**



САЙЛОВЧИЛАР РЎЙХАТЛАРИ БИЛАН ТАНИШТИРИШ

— Сайловчилар рўйхати фуқароларга танишиш учун қачон тақдим қилинади?

— Сайловчиларнинг рўйхатлари сайловга ўн беш кун қолганида, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаториялар ва дам олиш уйларида, қасалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ерларда тузилган сайлов участкаларида эса сайловга етти кун қолганида ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим қилинади. Участка сайлов комиссияси рўйхат билан танишиш жойи ва вақти тўғрисида сайловчиларни хабардор этади.

Фуқароларга участка сайлов комиссияси биносида сайловчилар рўйхати билан танишиш имконияти таъминланади.

САЙЛОВЧИЛАР РЎЙХАТЛАРИ ХУСУСИДА БАҲСЛАШУВ

— Сайловчилар рўйхатидаги хато ёки ноаниқликлар юзасидан арз қанча муддатда кўриб чиқилади?

— Ҳар бир фуқаро сайловчилар рўйхатидаги хато ёки ноаниқлик тўғрисида участка сайлов комиссиясига арз қилиши мумкин. Участка сайлов комиссияси 24 соат ичида бундай аризага кўриб чиқиши ва хатони ёки ноаниқликни бартараф этиши ёхуд аризага унинг аризаси рад этилганлиги тўғрисида асосланган жавоб бериши шарт.

Сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракати ва қарори устидан Қонунда белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИ ДАВЛАТ ТИЛИДАН БОШҚА ТИЛДА ҲАМ НАШР ЭТИЛИШИ МУМКИН

— Сайлов бюллетени қайси тилда нашр этилади?

— Сайлов бюллетенига депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми алифбо тартибида киритилиб, унинг тузилган йили, партиясига мансублиги, эгаллаб турган лавозими (масъулоти-нинг тури) ва уни депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия ёки сайловчилар ташаббускор гуруҳи кўрсатилади.

Сайлов бюллетенлари давлат тилида, шунингдек, округ сайлов комиссиясининг қарорига биноан сайлов округининг кўпчилик аҳолиси сўзлашадиган тилларда нашр этилади.

Сайлов қонунчилиги ҳужжатлари асосида тайёрланди.

САЙЛОВ-2004 МУЛЬТИМЕДИАДА

Тошкент давлат юридик институти олим ва мутахассислари «Сайлов 2004: электрон маълумотнома» мультимедиа вариантини ўзбек ва рус тилларида тайёрлади. У Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг VIII сессиясидаги икки палатали парламент тизимини шакллантиришнинг устувор масалаларига бағишланган маърузаси билан очилади.

Маълумотномада сайлов комиссияларини тузиш, депутатликка номзодлар кўрсатиш ва сайловчиларнинг овоз бериш тартиби, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ишончли вакил ва кузатувчилар мақомига оид маълумотлар берилган.

Электрон маълумотномага Ўзбекистон Республикасининг сайловга доир қонунлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, уларга киритилган сўнги ўзгартиш ва қўшимчалар жойлаштирилган. Мультимедиа ишлашда дизайн ва овоз эффектиларидан унмўли фойдаланилган.



Ҳазорасп туманидаги 1-мактабда ташкил этилган сайлов участкасида иш қизгин. Уқитувчилар сайловга қатнашувчилар рўйхати мукамал бўлсин, деб астойдил ҳаракат қиляптилар.

Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА УЧРАШУВ

АҚШ давлат котибининг ёрдамчиси Майкл Козак Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида бўлди.

Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари Сайёра Хўжаева билан мулоқот чоғида мамлакатимиз парламенти ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлажак сайловларнинг жаҳон стандартлари ва инсон ҳуқуқларига тўла риоя қилинган ҳолда ташкил этилаётгани Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий тизимни демократлаштириш ва эркинлаштиришнинг ёрқин мисоли эканлиги алоҳида таъкидланди.

Учрашувда АҚШнинг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Жон Пурнелл иштирок этди.

Ўқитувчи фаолиятини баҳолаш ўз-ўзидан бўлмайди. Негаки, у ўқувчи билан ишлайди, шахсни тарбиялайди. Бу эса, таълим самарадорлиги, сифатига эришиш учун узоқ вақт, ҳатто бир неча йиллар талаб қилинишидан далолат. Шу боис, ўқитувчи меҳнатини рағбатлантириш, айна касб нуфузини ошириш борасида бугунги изланишлар эксперимент тариқасида ўтказилаётганлиги ҳам бежиз эмас. Табиий савол туғилади: хўш, жойларда ўқитувчи ва методистлар меҳнатини қўшимча рағбатлантириш борасида ҳукумат қарори ва Халқ таълими вазирлигининг айна шу йўналишдаги буйруқларининг бажарилиши қай аҳволдаю, келиб чиқаётган айрим тушунмовчилик ва хатоларнинг асл негизи қаерда?

Ушбу саволларга жавоб топшиш ва уни бартараф этиш мақсадида яқинда республика Халқ таълими вазирлигининг мутахассислари томонидан 13 та худудий ва 53 та туман (шаҳар) халқ таълими бошқарув органлари ҳамда улар тасарруфидаги 152 та мактаб фаолияти ўрганилди.

Таъкидлаш лозим, ўрганиб чиқилган барча халқ таълими бошқарув органлари томонидан айна йўналишда муайян ишлар амалга оширилган. Жумладан, мазкур қарор ва Халқ таълими вазирлигининг 158-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Умумтаълим муассасалари ва худудий халқ таълими бошқарув органлари қошидаги махсус комиссиялар тўғрисида"ги Низом ва бир қатор бошқа буйруқлар жойларга, яъни мактабларга етказилган. Барча туман (шаҳар) ХТБларида мазкур ҳужжатларнинг мазмун ва моҳиятини тушунтиришга бағишланган семинарлар ва бошқа ўқувлар ўтказилган, ўқитувчиларнинг август анжуманларида ҳам педагогик жамоалар ўртасида кенг тарғибот ишлари олиб борилган.

Аммо таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, фаолияти ўрганилган аксарият туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари ва улар тасарруфидаги мактабларда иш юритаётган комиссиялар фаолиятида талаб даражасига мувофиқ келмайдиган ҳолатлар ҳам кам эмас. Барча халқ таълими бўлимларига ҳукумат қарори ва вазирлиқнинг буйруғи етказилган бўлишига қарамай, улар асосида қабул қилинган буйруқларнинг аксарияти юзаки ишлаб чиқилган ёки умуман тайёрланмаган. Деярли барча текширилган таълим бошқарув органларида ушбу қарор ва буйруқнинг ижросини таъминлаш мақсадида 2004-2005 ўқув йилига мўлжалланган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилмаган. Қарорда кўрсатиб ўтилган тажриба-синов ишларини ташкил этиш, натижаларини кузатиш, умумлаштириш, комиссияларга амалий ёрдам кўрсатиш, хулосалар тайёрлаш ва муҳомадага киритишга қаратилган ишлар эса назардан четда қолдирилмоқда. Бир сўз билан айтганда, умумтаълим муассасалари ўқитувчилари ва методика кабинетлари методистларига устамалар белгилашда, асосан, тўрт йўналишда хатоликларга йўл қўйилган.

Биринчидан, махсус комиссиялар таркибини шакллантириш ва улар ишини мувофиқ-

лаштиришда айрим тушунмовчиликлар келиб чиққан. Бу айрим мактабларда йўл қўйилган куйидаги камчиликларда кўрилади:

— махсус комиссия таркибига киритилган ўқитувчилар, маҳалла ва ота-оналар кўмитаси вакиллари номзодларининг ҳақиқатан ҳам жамоа орасида муҳомада этилиб, комиссия таркибига тавсия қилинганлигини тасдиқловчи қарорлар чиқарилмаган;

— махсус комиссияларни ташкил этишга оид ҳужжатлардан (буйруқ, қарор) кўчирмалар халқ таълими бўлимларида мавжуд бўлса-да, лекин у мактабдаги буйруқ ва педкенагаш қарорларини қайд этиш китобларидаги асл нусхасига тўлиқ мос келмайди.

— низомга кўра шакллантирилиши лозим бўлган комиссия таркибига педкенагаш қарори билан камида тўрт нафар ўқитувчи киритилиши керак бўлган ҳолда айрим мактабларда ўқитувчилар ўрнига бошқа педагог ходимлар (психолог, ташкилотчи ёки маъмурият аъзолари) киритилган ёки комиссия таркиби 9 нафардан кам ҳолда шакллантирилган;

— комиссия таркибини шак-

тамалар белгилаш ҳақида хулосалар чиқарилиб, қарорлар қабул қилинган. Натижада, устама оладиган ўқитувчилар сони жуда камчиликни ташкил этмоқда. Масалан, 85-90 нафар ўқитувчидан бор-йўғи бир ёки икки нафар ўқитувчигагина устама белгиланган. Бу ҳолни жойларда ўз касбига содиқ, фидойи ва изланувчан педагоглар камлиги билан эмас, балки устама белгилашга масъул бўлганларнинг масала моҳиятини тушуниб етмаганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Учинчиси — бу устама белгилаш учун номзодлар ҳужжатларини тайёрлашдаги хатоликлар бўлиб, зарур ҳужжатлар тўлиқ жамланмаган. Айрим жадваллар талаб даражасида тўлдирилмаганлиги натижасида ўқитувчи фаолиятини тўлиқ очиб бермайди, уни ифодаловчи маълумотлар батафсил ёритилмаган. Шу сабабли устама ҳақ тўғри белгиланганлиги етарли асосланмаган ёки белгиланган устама миқдорига мос келмайди:

— Низомга илова қилинган 1-, 2- ёки 3-жадваллар тўлдирилмасдан ўқитувчининг касбий маҳорати учун устама ҳақ бел-

этилиб, унинг моҳияти тушунтирилди. Йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли кўрсатма ва тавсиялар берилди. Белгиланган устамалар билан турлари кесимида ва жами қамраб олинган ўқитувчиларни аниқ ҳисобга олиш, мазкур жараёнда мутахассислар фаолиятини осонлаштириш учун махсус электрон жадваллар ишлаб чиқилди ва жойларга етказилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 335-қарори ва Халқ таълими вазирлигининг 158-буйруғи асосида тажриба-синов ишларини амалга ошириш жараёнида келиб чиқаётган муаммо, савол ва бошқаларга ойдинлик киритиш учун республиканинг ҳар бир туман (шаҳар) халқ таълими бўлими қошида иккитадан, жами 398 та таянч мактаблари белгиланди. Ўқув йили давомида барча вилоятларда ушбу мактаблар негизда тажриба-синов натижалари бўйича хулосалар тайёрлаш, семинарлар ўтказиш ва тажриба алмашув режалаштирилган.

Кунни кеча республика Халқ таълими вазирлигининг ҳайъат мажлисида юқоридаги хато ва камчиликлар инobatга олган ҳолда махсус комиссиялар фа-

Qaror va ijro

этишдир. Шунингдек, худуд мактаблари учун махсус комиссиялар томонидан юритилиши назарда тутилган ҳужжат намуналари мажмуасини тайёрлаш ва халқ таълими бошқарув органлари ёрдамида жойларга етказиш зарур.

Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари ҳамда вазирлик тасарруфидаги республика умумий ўрта таълим муассасалари директорлари зиммасига эса қисқа фурсатларда мазкур буйруққа илова қилинган маълумотномада кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш, махсус комиссиялар фаолиятида пайдо бўлаётган муаммоларни ўз вақтида аниқлаш, уларнинг юзага келишининг олдини олишга қаратилган чоралар белгиланиб, ижросини таъминлаш муҳим аҳамиятга моликлиги таъкидланди. Бунинг учун эса бир ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамасининг 335-сонли қарори ҳамда мазкур буйруқ ижросини таъминлашга қаратилган чоратадбирлар режаларини ишлаб чиқиб, тасарруфидаги туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари ҳамда умумтаълим муассасаларига етказиш ва амалга оширилишини ташкил этиш топширилди. Бундан ташқари, Махсус комиссиялар иш фаолиятининг Низомга мувофиқлиги мунтазам равишда ўрганиб борилиши орқали юксак касб маҳорати ва ўқув жараёнига қўшган шахсий ҳиссаси, таълимнинг юқори самарадорлиги ва сифати, тарбиявий ва синфдан ташқари амалга оширган ишлари учун ойлик маошига устамалар белгиланишига номзод қилиб кўрсатилаётган ўқитувчиларни танлаш жараёнида тасарруфидаги мактабларда асосланганлик ва холисоналикнинг таъминланиши доимий эътиборда бўлиши билдирилди.

Шунингдек, 2004 йил 30 июлдаги 7/1-сонли "Тошкент шаҳар умумтаълим мактаблари 4- ва 9-синф ўқувчиларининг таълим тайёргарлиги даражасини давлат таълим стандартлари талабларига мослиги ҳақида" ҳайъат мажлиси қарорининг 8-бандида берилган топшириқлар ижросини назоратга олиш ва унинг бажарилишини таъминлаш муҳим вазифа сифатида қайд этилди.

Ҳар ойнинг 1-санасига қадар мазкур буйруқ ижроси бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотларни Халқ таълими вазирлигининг Умумтаълим мактабларида ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш ва ривожлантириш бош бошқармасига тақдим этиш эътибордан четда қолдирилмаслиги лозимлиги буйруқнинг яна бир банди этиб белгиланди.

ХТВнинг умумтаълим мактабларида ўқув-тарбия жараёнини ривожлантириш ва ташкил этиш бош бошқармаси.

УСТАМА ҲАҚ БЕРИШ ТАРТИБИ: МУАММО НИМАДА?

лантириш ҳақидаги буйруқ педагогик кенгаш ўтказилмасдан олдин чиқарилган;

— комиссия таркиби туман халқ таълими бўлими билан келишилмаган, комиссия аъзолари ўзгарган ҳолларда эса (ишдан кетганлиги ва бошқа сабабларга кўра) буйруқ билан ўзгартиришлар расмийлаштирилмаган.

Иккинчидан, устама белгилаш учун номзодларни аниқлашда хатоликлар мавжуд. Ҳолбуки, таълим самарадорлигини оширишда ушбу жиҳатнинг аҳамияти катта. Зеро, устама холис ва адолатли белгиланса, ўз устида ишлайдиган, ижодкор ўқитувчилар сафи кўпайиши тайин. Айна жиҳат адолат таъминли бўлиб хизмат қилади, десак муболаға бўлмайди. Айна ушбу йўналишда аксарият мактабларда Низомнинг IV бўлими, 10-бандидаги талабларига хилоф равишда ҳар бир ўқитувчининг фаолияти таҳлил этилмасдан, устама олиш учун номзодларни аниқлаш (саралаб олиш) жараёнида юзакичиликка йўл қўйилган. Бунда:

— комиссиялар иши тўғри ташкиллаштирилмаганлиги натижасида баъзи мактабларда ўқитувчиларга устама ҳақ белгиланмаган;

— устама ҳақ белгилашда фақат ариза берган ўқитувчиларгина кўриб чиқилган ҳолатлар ҳам мавжуд.

Айрим мактабларда устамалар белгилашга лойиқ бўлган ўқитувчилар фаолияти етарлича ўрганилмасдан номига бир-икки нафар ўқитувчиларга ус-

гиланган;

— айрим малака оширишдан ўтмаган ўқитувчиларга ҳам устама ҳақ белгиланган ҳоллар учрайди.

Тўртинчиси, ҳужжатларнинг комиссия томонидан кўриб чиқилиши, тегишли қарорларнинг қабул қилиниши ҳамда ушбу қарорларни расмийлаштиришда йўл қўйилган. Бунда ҳужжатлар таркибининг тўлиқлиги ва хулосаларда устамалар миқдорининг тўғри белгиланганлигига етарли эътибор берилмаган.

Устама белгилаш билан боғлиқ ҳужжатларнинг юритилишида бир талай пала-партишликлар, ноаниқликларга йўл қўйилмоқда.

Ўз-ўзидан аён, ушбу ҳолатларнинг келиб чиқишига асосий сабаб — тушунмовчилик, қолаверса, айрим мутасаддиларнинг масъулиятсизлигидир. Тўғри, ўқитувчи меҳнатини қўшимча рағбатлантиришга доир бугунги жараён эксперимент тариқасида амалиётга жорий этилмоқда. Аммо айна бугунги тажриба-синов ишларининг хулосалари эртанги қўйилажак қадам учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини унутмаслик лозим. Шу нуқтаи назардан, текширувлар натижаси бўйича ҳар бир худудда вилоят халқ таълими бошқармалари, туман халқ таълими бўлимлари ва таълим муассасалари вакиллари иштирокида мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан жами 12 та худудий ўқув-амалий семинарлар ўтказилди. Ушбу семинарларда Низом талаблари яна бир бор таҳлил

олиятини такомиллаштириш мақсадида буйруқ қабул қилинди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 15 июлдаги "Ўқитувчилар меҳнатини қўшимча рағбатлантиришга доир эксперимент ўтказиш ва халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тармоқ сеткасига ўтиш тўғрисида"ги 335-сонли қарорини амалга ошириш бўйича Халқ таълими вазирлигининг 2004-2005 йилга мўлжалланган тадбирлар режаси тасдиқланди. Шунингдек, ўқитувчилар меҳнатини қўшимча рағбатлантиришга доир тажриба-синов ишларини амалга ошириш ҳамда шу жараёнда қолган мактабларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш учун туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари қошида ташкил этилган таянч мактаблар рўйхати тасдиқланди. Таянч мактабларнинг асосий вазибалари этиб эса куйидагилар белгиланди. Чунончи, Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва Халқ таълими вазирлигининг 158-сонли буйруғи асосида тажриба-синов ишларини амалга ошириш жараёнида минтақадаги мактаблар учун доимий амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш, маслаҳатлар, семинарлар ва тажриба алмашув бўйича ишларни ташкил

"Ўқитувчилар меҳнатини қўшимча рағбатлантиришга доир эксперимент ўтказиш ва халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тармоқ сеткасига ўтиш тўғрисида"ги Вазирлар Маҳкамаси қарорини амалга ошириш бўйича 2004-2005 йилга мўлжалланган тадбирлар режаси газетанинг 7-бетида берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 15 июлдаги 335-сонли "Ўқитувчилар меҳнатини қўшимча рағбатлантиришга доир эксперимент ўтказиш ва Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тармоқ сеткасига ўтиш тўғрисида"ги қарорини амалга ошириш бўйича Халқ таълими вазирлигининг 2004-2005 йилга мўлжалланган тадбирлар режаси

№	Тадбирлар	Ижро мuddати	Бажариш учун масъуллар
1	Барча ҳудудий Халқ таълими бошқарув органлари ва умумтаълим муассасалари қошида Вазирликнинг 2004 йил 3 августдаги 158-сонли буйруғи асосида мактабларда ташкил этилган махсус комиссиялар таркибининг Низом талабларига мувофиқ шакллантирилганлигини, ҳар бир ўқитувчининг касбий маҳорати ва ўтган ўқув йилидаги ўқув-тарбиявий ишлари натижаларининг таҳлили ва берилган баҳонинг ҳолисоналиги, устамаларнинг аниқ тури ва миқдори кўрсатилган ҳолда ўқитувчилар номзодларининг белгиланганлиги, комиссияларга тақдим этиладиган ҳужжатлар комплекти, устамалар белгилаш тўғрисидаги баённомалар ва қарорлар сифатини ўрганиш.	2004 йил, сентябрь-октябрь 2005 йил май-июнь	УМЎТЖРТЭББ ҳудудий Халқ таълими бошқарув органлари
2	Халқ таълими вазирлигининг 2004 йил 3 августдаги 158-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Умумтаълим муассасалари ва ҳудудий халқ таълими бошқарув органлари қошидаги махсус комиссиялар тўғрисида"ги Низом талабларини тушунтириш мақсадида ҳамда ўтказилган текширувлар жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан ҳар бир ҳудудда ўқув-амалий семинарлар ўтказиш.	2004 октябрь-ноябрь	УМЎТЖРТЭББ ҳудудий Халқ таълими бошқарув органлари
3	Вазирлар Маҳкамасининг 335-сонли қароридан назарда тутилган устама ҳақ олишга белгиланган ўқитувчиларни (турлар кесимида ҳамда умумлаштирилган ҳолда) аниқ ҳисобга олиш, мазкур жараёнда мутахассислар фаолиятини осонлаштириш учун махсус электрон жадваллар ишлаб чиқиш, жойларга етказиш ва амалиётта жорий этиш.	2004 сентябрь-октябрь	УМЎТЖРТЭББ ҳудудий Халқ таълими бошқарув органлари
4	Мазкур махсус электрон жадваллар қўлланилган ҳолда 2004-2005 ўқув йилининг II-ярим йиллигида устамалар олишга белгиланган ўқитувчиларни ҳисобга олишни ташкил этиш ва амалга ошириш.	2005 йил январь	УМЎТЖРТЭББ ҳудудий Халқ таълими бошқарув органлари
5	Вазирлар Маҳкамасининг 335-сонли Қарори ва Халқ таълими вазирлигининг 158-сонли буйруғи асосида тажриба-синов ишларини амалга ошириш жараёнида тасарруфдаги мактаблар учун доимий амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш, маслаҳатлар, семинарлар ва тажриба алмашув бўйича ишларни ташкил этиш мақсадида республиканинг ҳар бир туман (шаҳар) Халқ таълими бўлими қошида иккитадан таянч мактабларини белгилаш.	2004 йил, октябрь	ҳудудий Халқ таълими бошқарув органлари
6	Вазирлар Маҳкамасининг 335-сонли қарорининг моҳиятини, унда белгиланган вазифаларни амалга ошириш зарурлигини таълим тизими мутахассислари, кенг педагогик жамоатчилик ўртасида тарғибот қилиш мақсадида мунтазам равишда матбуот воситалари орқали ёритиб бориш.	2004-2005 ўқув йили	УМЎТЖРТЭББ МБХҲБ
7	Мактаб педагог ходимлари, шу жумладан ойлик маошларига устамалар белгиланган ўқитувчиларнинг 2004-2005 ўқув йили давомида амалга оширилган педагогик фаолияти самарадорлигининг мониторингини сайланма равишда амалга ошириш: Ўқувчилари эришган билим, кўникма ва малакалар даражаси, уларнинг муайян ўқув фанлари бўйича ДТСлари талабларига мувофиқлигини аниқлаш: — I чорак якунлари бўйича - жисмоний тарбия, музыка, тасвирий санъат, меҳнат, ўқув фанлари ва бошланғич таълимдан; — II чорак якунлари бўйича - математика, информатика, физика, химия, биология, она тили ва адабиёт; — III чорак якунлари бўйича - тарих, география, ИБА, хорижий тиллар, давлат тили ва рус тили; — IV чорак ва ўқув йили якунлари бўйича - математика, информатика, физика, химия, она тили; — ўқитувчининг тарбиявий ва синфдан ташқари ишларини ўрганиш ва самарадорлигига баҳо бериш.	2004-2005 ўқув йили давомида Ноябрь Январь Март Май ўқув йили	УМЎТЖРТЭББ ҳудудий ва туман (шаҳар) Халқ таълими бошқарув органлари билан ҳамкорликда
8	Ўқувчилар билимида бўшлиқлар бўлмаслигининг олдини олиш ва уларни бартараф этишга қаратилган ўқитувчилар (шу жумладан, ойлик маошларига устамалар белгиланган ўқитувчилар) фаолиятининг педагогик мақсадга мувофиқлиги ва самарадорлигини мақсадли равишда таҳлил этиш, хулосалар тайёрлаш, мазкур масалани таянч мактаблар негизда ташкил этилган семинарда муҳокама қилиш ҳамда мазкур жараёни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.	2005 йил мартгача	УМЎТЖРТЭББ Сирдаё вилояти ХТБси билан ҳамкорликда
9	Ўқувчиларнинг шахсий (индивидуал) хислатларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг қобилиятларини аниқлаш ва ривожлантиришга йўналтирилган ўқитувчилар (шу жумладан, ойлик маошларига устамалар белгиланган ўқитувчилар) фаолиятини, иқтидорли ва истеъдодли ўқувчилар билан яқма-яқка иш тажрибаларини таҳлил этиш, хулосалар тайёрлаш, мазкур масалани таянч мактаблар негизда ташкил этилган семинарда муҳокама қилиш ҳамда мазкур жараёни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.	2005 йил мартгача	УМЎТЖРТЭББ Тошкент шаҳар ХТБси билан ҳамкорликда
10	Аввал белгиланган устамалар миқдорини ўтган 6 ой мобайнидаги ишлар натижаларига кўра қайта кўриб чиқиш тўғрисида аризалар берган ўқитувчилар ҳақида маълумотлар тўплаш ва шу масала юзасидан комиссиялар қабул қилган қарорларни таҳлил этиш.	2005 йил январь-февраль	УМЎТЖРТЭББ МБХҲБ ҳудудий ХТБлари билан ҳамкорликда
11	Ўқув йили бошида ўқитувчига белгиланган устамаларни мuddатидан аввал ўзгартириш ҳақидаги комиссия қарорлари тўғрисида маълумотлар тўплаш ва шу масала юзасидан комиссиялар қабул қилган қарорларни ҳамда тегишли халқ таълими бошқарув органларининг фаолиятини таҳлил этиш.	2005 йил, январь ва июнь	УМЎТЖРТЭББ МБХҲБ ҳудудий ХТБлари билан ҳамкорликда
12	Услубий ишларда эришган юксак натижалари учун устамалар белгиланган услубий фаолияти натижаларини баҳолаш мақсадида мониторинг ташкил этиш ва ўтказиш, энг намунали методистлар ишини оммалаштириш.	2005 йил, майгача	УМЎТЖРТЭББ ҳудудий ХТБлари билан ҳамкорликда
13	Маҳаллий матбуотда устамалар белгилаш жараёнида аниқланган республикадаги энг яхши ўқитувчи ва методистлар фаолияти, энг яхши комиссиялар фаолиятини ёритиб бориш.	ўқув йили давомида	ҳудудий ХТБлари
14	Мактабларда комиссиянинг доимий фаолият олиб боровчи ишчи органи ишини таҳлил этиш ва амалий ёрдам кўрсатиш.	ўқув йили давомида	ҳудудий ХТБлари
15	Мактаб раҳбарлари курслари тингловчилари учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 15 июлдаги 335-сонли қарори ҳамда Халқ таълими вазирлигининг 2004 йил 3 августдаги 158-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Умумтаълим муассасалари ва ҳудудий Халқ таълими бошқарув органлари қошидаги махсус комиссиялар тўғрисида"ги Низом талаблари юзасидан ўқувлар ташкил этиш.	ўқув йили давомида	Махсус режа асосида ХТЖҚТМОМИ ва ҳудудий ПҚТМОИлар
16	158-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Умумтаълим муассасалари ва ҳудудий халқ таълими бошқарув органлари қошидаги махсус комиссиялар тўғрисида"ги Низомни такомиллаштириш масалалари юзасидан тажриба-синов натижаларига асосланган таклифлар олиш мақсадида махсус комиссия раислари, аъзолари ва доимий фаолият олиб боровчи ишчи органи аъзолари билан анкета сўровларини ўтказиш.	2005 йил июнь	УМЎТЖРТЭББ ҳудудий ХТБлари билан ҳамкорликда
17	Ўтказилаётган эксперимент натижаларини 2004-2005 ўқув йили якунлари бўйича умумлаштириш ва танқидий баҳолаш ҳамда ўқув-тарбия жараёнини яхшилашга ҳисса қўшган ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш юзасидан аниқ таклифлар тайёрлаш.	2005 йил июль	МБХҲБ УМЎТЖРТЭББ ҳудудий ХТБлари билан ҳамкорликда

ҲАҚИҚИЙ ЎҚИТУВЧИ ЭЛ НАЗАРИДАН ҚОЛМАЙДИ

Бугунги кунда республикада ўқитувчи касбининг аҳамияти ва обрў-эътиборини ошириш умумтаълим мактаблари ўқитувчилари меҳнатини рағбатлантириш орқали таълим самарадорлигини таъминлаш йўналишида изчил аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар олиб борилмоқда.

Кейинги йилларда халқ таълими тизими ходимларининг иш ҳақи миқдорлари бир неча марта оширилди. Бошланғич синфлар ўқитувчиларига ойлик устамалар, ўқитувчиларга синф раҳбарлиги ва лабораторияларга мудирлик қилганлиги учун қўшимча ҳақ белгиланди ва 2004 йил 1 сентябрдан бошлаб уларнинг миқдори анча оширилди.

Шу билан бирга, ўқув ва тарбия жараёнига ўқитувчиларнинг шахсий улушини ҳолисона баҳолаш масаласи ниҳоятда мураккаб эканлигини ҳисобга олган ҳолда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ва 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурида олдинга қўйилган вазифаларни ҳал этиш юзасидан ўқитувчилар ва методистлар меҳнатини баҳолаш механизмининг ва мезонларини ишлаб чиқиш ишларини янада давом эттириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу сабабли ўқитувчиларнинг ўқув-тарбия жараёнига шахсий улуши мезонларини аниқлаш, умумтаълим мактабларида қобилиятли, ўз касбига содиқ ўқитувчиларни моддий рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил, 15 июлда 335-сонли қарори қабул қилинди.

Бугунги кунда Самарқанд вилоятининг Нуробод тумани халқ таълими бўлимига қарашли таълим муассасаларида ва умумтаълим мактабларида ҳам Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарори, яъни ўқитувчилар иш

ҳақида устама тўланишини амалга ошириш борасида бир талай ишлар амалга оширилди.

Жойларда умумтаълим мактабларида ўқитувчиларнинг ойлик маошларига қўшимча устама тўланишини ташкил қилиш учун илғор ўқитувчилар, маҳалла кўмиталари ва ота-оналар кўмиталари билан ҳамкорликда комиссиялар тузилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 335-сонли қарорини мактабларда бажарилишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларнинг жорий этилишини ўрганиш мақсадида Нуробод шаҳри марказидаги 1-умумтаълим мактабида ўқитувчилар ойлик маошларига қўшимча устамаларнинг тўланиши ҳақида вилоят халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликда кўргазмали амалий-семинар ўтказилди. Амалий-семинарда тумандаги 75 та умумтаълим мактаби директорлари, уларнинг таълим-тарбия ишлари бўйича ўринбосарлари, илғор ўқитувчилар иштирок этди.

Амалий семинар тренинг усулида, яъни очиқ савол-жавоб, мулоқот асосида ўтказилди. Семинар-тренингда туман халқ таълими бўлими мудир Э. Абдусаломов ва вилоят халқ таълими бошқармаси вакиллари ўқитувчиларнинг ойлик маошларига устама ҳақи тўлаш бўйича берилган саволларга батафсил жавоб бердилар. Семинар-тренингда 1-умумтаълим мактабида устама иш ҳақи олиб ишлаётган кимё фани ўқитувчиси З. Холмуродова, математика фани ўқитувчиси Б. Турсуновнинг иш фаолияти намуна сифатида кўрсатилиб, уларнинг бир соатлик дарслари кузатилди, видеотасвирга олинди.

Тадбир сўнггида барча ўқитувчилар чин маънодаги ижодкор, фидойи ўқитувчи ҳамиша эл ардоғида бўлишига яна бир бор амин бўлдилар.

МУХБИРИМИЗ

Мана, 27 йилдирки, жажжи болажонларга сабоқ бериб келмоқдаман. Албатта, бошланғич синфларда дарс бериш бирмунча мураккаб, чунки таълим пойдевори шу босқичда қўйилади. Юртбошимиз бизнинг меҳнатимизни қадрлаб, алоҳида эътибор бериб, ишимизга меҳру-муҳаббатни янада оширдилар. Шу ўқув йилидан бошлаб ойлик маошим 76861 сўмни ташкил этди. Касб маҳорати учун 25 фоиз, синфдан ташқари фаолиятим Т И М

МЕҲНАТИМИЗ РАҒБАТ ТОПАЯПТИ
ёхуд маошимга қўшимча 20 мингга яқин устама ҳақ олаяпман

учун 15 фоиз устама ҳақ тўланаётгани, ўқитувчига берилаётган эътибор, мактаб обрўсининг ошириб бораётгани биргина менинг эмас, бошқа касбдошларимнинг ҳам қувончига сабаб бўлмоқда. Истардимки, ҳақ тўлашнинг бу усулини тўғри тушунмоқ керак. Зеро, рақобат, изланиш бор жойда муваффақият бўлади.

Изланиш ва интилувчанликдан чарчамайлик, шундагина ишимизда ҳам, ҳамёнимизда ҳам барака бўлади.

Ноила ҚОСИМОВА,
Собир Раҳимов туманидаги 234-мактабнинг олий тоифали бошланғич синф ўқитувчиси

Институтимизнинг маънавий-маърифий йўналишдаги фаолияти, асосан, ёшларда ўзини англаш, миллий қадриятларини эътиборга олиш, ватанпарварлик туйғуларини чуқурлаштириш, ижтимоий фаоллигини ва сиёсий маданиятини юксалтириш каби эзгу ниятлар билан боғлиқ. Ана шу мақсадда ташкил қилинган «Маънавият ва маърифат» ҳамда «Ташвиқот ва тарбия» марказлари миллий истиқлол ғояси, маънави-

МАЪНАВИЯТ БОР ЖОЙДА МАЪРИФАТ ЮКСАЛАДИ

ят-маърифатни ривожлантириш ҳақидаги ҳаётбахш таълимотлар тизимини тарбия этишда муҳим рол ўйнамоқда. Факультетлар, кафедралар ва талабалар уйда фаолият кўрсатаётган маънавият ва маърифат хоналари ҳамда бурчакларида мамлакатимизда, олий таълим тизимида амалга оширилаётган туб ислохотлар ўз аксини топган.


Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Вази́рлар Маҳкамасининг қарорлари, шунингдек, Олий Мажлис сессияларида белгилаган олий таълим тизими доирасидаги вазифалар ижросида беvosита биз ҳам иштирок этишимиз керак. Шу билан бир қаторда республикамизда нашо-нашадан байрамлар, давлат дастурлари доирасидаги вазифалар, «Миллий истиқлол ғояси» асосий тушунча ва тамойиллар» фанини ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш фаолиятимизнинг асосий негизини ташкил этади.

Мамнуният билан таъкидлаш лозимки, институт жамоаси ту-

Бизнинг куч-қудратимизга шак-шубҳа қилсангиз, биз қурдирган иморатларга боқинг.

Амир ТЕМУР

ман, шаҳар, республика миқёсида ўтказилаётган турли маънавий-маърифий тадбирларда, кўрик-танловларда муваффақиятли қатнашиб, олий ўқув юрталари орасида етакчи ўринларни эгаллапти. Жумла-



Бахтиёр АСҚАРОВ, Тошкент архитектура-қурилиш институти ректори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати

дан, бадий ҳаваскорлик жамоаларининг аънаваний «Хазина» ва «Ўзбекистон— Ватаним» кўрик-танловларида доими совриндоримиз. «Универсиада— 2004» финал мусобақаларида ҳам 15 нафар талабани муваффақиятли иштирок этди. Бадий ҳаваскорлик, касбга йўналтирилган ва спортнинг 8 тури бўйича тўғрақлар фаолияти ҳам талабаларнинг маънавий-ахлоқий етуқ, соғлом ва жисмонан баркамол бўлиши учундир.

Ta'kid

«Маънавият кунлари», институт раҳбарияти билан талабаларнинг очиқ мулоқотлари ва ўқув йили давомида ўтказилаётган аънаваний анкета сўровномалар, тақлиф ва мулоҳазаларнинг ўртага ташланиши мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этишнинг асосий механизми бўлиб хизмат қилмоқда.

Рихсибой ЮСУПОВ, институтининг маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори

лик Ўрта Осиё политехника институти Тошкент политехника институтига айлантирилди. 60-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб Республикамизда бунёдкорлик ишларининг кескин ривожланиши муносабати билан қурилиш факультетидоги архитектура бўлими негизда архитектура факультети иш бошлади.

Халқ ҳужалигида қурувчи-инженерлар ва архитекторларга талабнинг янада ортиши, айниқса, вилоятлардаги техник кадрларга бўлган эҳтиёжнинг кескин ошиши 70—80-йилларга келиб аниқ сезила бошлади. Тошкент политехника институти олий ўқув юрталари ичидан энг йириги ҳисобланган, талабалар 10 дан зиёд шаҳардаги филиалларда тарқоқ ҳолда

ра, сановат ва фўқаро қурилиши, инженер қурилиши, иқтисодиёт, шунингдек, лицей, бизнес мактаб, тайёрлов курси ҳамда қурилиш соҳасида менежерларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш маркази фаолият юритмоқда.

Институт катта илмий сало-

да. Шу давргача 200 дан ортик фанларнинг маъруза матнлари, 140 дан ортик ўқув қўлланма ва дарслиқлари яратилди. Улар, асосан, ўзбек тилида бўлиб, профессор-ўқитувчилар 2004 йилда 38 та Фандан ўқув қўлланмаси яратилган уч томонлама шартномалар тузишган. Улар-

ча кафедраларнинг замонавий технологиялар билан таъминланиши таълим тизимини жадаллаштиришнинг асосий омилли бўлапти, десам англишмайман.

Колаверса, институт веб-сайтига битирув малакавий ишлар, магистрик диссертациялари,

пиадасида 11 та биринчи, 8 та иккинчи ва 3 та учинчи ўринни эгаллашиб, олий ўқув юрталари орасида обрў-эътибор қозонди. «Қамолот — 2004» республика олимпиадасида эса жами 43 та фан ва мутахассислик бўйича иштирок этишиб, 19 та биринчи, 4 та иккинчи ва 9 та учинчи ўринни эгаллаб, ўтган йилдагидек олий таълим муассасалари орасида голибликни кўлга киритди. Иқтидорли талабалар билан ишлаш фаолиятини таъминлаштириш мақсадида 2000 йили «Магистратура ва иқтидорли талаблар билан ишлаш бўлими»нинг ташкил этилиши маълум даражада ана шу ютуқларга замин яратди. Иқтидорли талабаларнинг қўшимча машгулотлари учун юксак малакали профес-

сор-ўқитувчилар жалб этилган. Бўлим фаолиятининг самараси ўлароқ, шу кунгача 16 нафар иқтидорли талаба Беруний ва Улугбек номидаги Давлат стипендиясига, 41 нафар талаба ТАҚИ илмий кенгаши томони-дан таъсис этилган нуфузли стипендияларга сазовор бўйдилар.

Бундан ташқари, ўқиш жараёнида юқори рейтинг кўрсаткичига эга бўлган ва машгулотларда фаол иштирок этадиган иқтидорли талабаларнинг стипендиясига 30 фоиз қўшимча ҳақ тўланмоқда.

Маълумки, ҳар бир институт ёки университет ўз таълим йўналишидан келиб чиққан ҳолда илмий тадқиқотлар марказига айланади. Худди шундай муҳит институтимизда ҳам ҳужим сурмоқда. Фан ва технологиялар маркази билан тузилган шартномалар асосида 13 та мавзудан иборат амалий тадқиқотлар ва 3 та инновация мавзулари бўйича архитектура ва қурилиш фанининг долзарб масалаларини ўз ичига олган илмий-тадқиқот ишлари бажари-

ди. Унинг дарсларини собиқ талабалар мамнуният билан эсласи керак. Бино ва иншоотлар йиллар давомида эскириб, ўз мустаҳкамлигини йўқотди. Айрим биноларнинг хизмат қилиш муддатларини узайтириш зарурати туғилганда, таъмирлаш, реконструкциялаш амалга оширилади. Профессор Рим Маракаев билан таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қурилиш физикасига доир фанларни ноънаваний усуллар

отларни кўрганда, уларнинг муаллифларига тасанно деймиз. Хўш, мейморга лойиҳалаш, дизайн бериш санъатини ким ўргатади? Албатта, устозлар. Аммо, тўғриси айтганда, кўркам бинолар қурилишига ўзининг камтарона улушини қўшаётган устозлар меҳнатини унутиб қўямиз.

Ўзбекистонда ҳизмат кўрсатган мураббий, профессор Рим Маракаевнинг салкам 50 йиллик узлуксиз меҳнат фаолияти ҳам ана шу даргоҳ билан бо-

ғина ЛАТИПОВА, институт 1-курс магистранти

Rektor minbari

риляпти. Давлат бюджетидоги инновация мавзулари билан бирга) илмий-тадқиқот ишларининг 2000 йилдан шу давргача бўлган умумий ҳажми 147,0 млн. сўмини, ҳўжалик шартномаси асосидаги илмий-тадқиқот ишларининг умумий ҳажми эса 166,5 млн. сўмини ташкил этди. Шундай қилиб, давлат бюджетидоги асосидоги ишлар шу давргача деярли 4 баробар, ҳўжалик шартномалари асосидаги ишлар эса деярли 8 баробар ошди.

Барча турдаги илмий-тадқиқот ишларининг кейинги тўрт йилдаги умумий ҳажми 313,5 млн сўмини ташкил этди. Зеро, тадқиқот турмушида бирор наф келтирса, муаммони бартараф этса, бу унга кетган сарф-харажат, меҳнат ўзини оқлади, дегандир. Шахрисабз шаҳридаги архитектура ёдгорликларини таъмирлашда, Бухоро ва Олмалик шаҳарларидаги бино ва иншоотларни қайта тиклашда, ноёб гидротехник иншоотлар ҳолатини қузатишда, завод ва фабрикаларнинг ифлосланганлик даражасини аниқлашдаги илмий тадқиқотлар катта самара келтирди.

Мамлакатимиз ҳудуди кенг, у ривожланаётган давлатлар сирасига қиради. Бундай давлат таъсис этилган нуфузли стипендияларга сазовор бўйдилар.

Хўлосан жуда оддий: ривожланаётган Ўзбекистон учун асрларга етулик, балки ундан ҳам кўпроқ хизмат қилувчи, дизайн ҳижатидан кўзни қувнатчи, кўркам, пишиқ ва барча қулайликларга эга иморатлар керак. Шўқрки, бундай биноларнинг қўлпига эгизамиз, аммо юқорида таъкидлаганимдек, инсоният келажакка интилар экан, бунга у бугундан замин яратоди.

КАТТАЛАР ИЗИДАН ЁШЛАР ОДИМЛАР

Юртбошимизнинг «Аёлларга эътибор — жамият ва унинг келажига эътибор» деган сўзлари ҳаётда ўз аксини топаётганини институтимиз мисолида ҳикоя қилиб берадиган бўлсам, сўзимни, аввало, бу соҳанинг етуқ намоёндалари ҳақида бошлашим керак. ЎзФА академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, санъатшунослик фанлари доктори, профессор Галина Пугаченкова-

ма Тўлқиной Қодирова эса бугунги кунда ҳам институтимиз фахридир. Жамоат ва давринчилар қаторида битирган аёл олимлардан бўлиб, 700 га яқин чоп этилган илмий ишлари нафақат сон жиҳатидан, балки ўзининг мазмуни ва бетакрорлиги билан ҳам кишини ҳайратда қолдиради. Олиманин

Ўзбекистон санъати ва архитектураси тарихига оид қатор илмий тадқиқот ишлари, археологик топималари «Халчаён», «Дааварган даражада тиклаш учун замонавий иншоотлар қурилиши, ноёб иморатларни вақти-вақти билан таъмирлаб туриш керак. Бу вазифалар кимнинг зиммасига юкланади, дейилганда, албатта архитекторлар, қурувчилар деб жавоб қиламиз.

Хўлосан жуда оддий: ривожланаётган Ўзбекистон учун асрларга етулик, балки ундан ҳам кўпроқ хизмат қилувчи, дизайн ҳижатидан кўзни қувнатчи, кўркам, пишиқ ва барча қулайликларга эга иморатлар керак. Шўқрки, бундай биноларнинг қўлпига эгизамиз, аммо юқорида таъкидлаганимдек, инсоният келажакка интилар экан, бунга у бугундан замин яратоди.

Н.АКБАРХўЖАЕВА, институт хотин-қизлар кенгаши раиси

ва назарияси» кафедраси доценти, етуқ мутахассис фаолиятлари алоҳида таҳсинга сазовордир. Д.Асқарова ўз ижодий фаолияти давомида қатор ўқув қўлланмалари, дастурлар яратишга муяссар бўлди. Уларнинг ҳаммаси бугунги кун талабаларига жавоб бериши ва соҳа учун зарурлиги билан қатта аҳамиятга эга. Устоз Г.Пугаченкованин илк шоғирларидан бири, етуқ олин-

ма Тўлқиной Қодирова эса бугунги кунда ҳам институтимиз фахридир. Жамоат ва давринчилар қаторида битирган аёл олимлардан бўлиб, 700 га яқин чоп этилган илмий ишлари нафақат сон жиҳатидан, балки ўзининг мазмуни ва бетакрорлиги билан ҳам кишини ҳайратда қолдиради. Олиманин

Ўзбекистон санъати ва архитектураси тарихига оид қатор илмий тадқиқот ишлари, археологик топималари «Халчаён», «Дааварган даражада тиклаш учун замонавий иншоотлар қурилиши, ноёб иморатларни вақти-вақти билан таъмирлаб туриш керак. Бу вазифалар кимнинг зиммасига юкланади, дейилганда, албатта архитекторлар, қурувчилар деб жавоб қиламиз.

Хўлосан жуда оддий: ривожланаётган Ўзбекистон учун асрларга етулик, балки ундан ҳам кўпроқ хизмат қилувчи, дизайн ҳижатидан кўзни қувнатчи, кўркам, пишиқ ва барча қулайликларга эга иморатлар керак. Шўқрки, бундай биноларнинг қўлпига эгизамиз, аммо юқорида таъкидлаганимдек, инсоният келажакка интилар экан, бунга у бугундан замин яратоди.

Н.АКБАРХўЖАЕВА, институт хотин-қизлар кенгаши раиси

ЎТМИШ ВА БУГУН ТУТАШГАНДА...

ўқир эдилар. Бундай забардаст институти бошқариш ва республика бўйлаб халқ ҳўжалигини техник кадрлар билан таъминлаш анча қийинчиликлар туғдирадир. Мустақиллик туфайли ана шу мураккаб муаммага барҳам берилди. Политехника институти базасида 2 та институт ва 1 та университет ташкил этилди. 1991 йилнинг 6 майида Президент Исрол Каримов фармони билан Тошкент архитектура-қурилиш институти ташкил этилди. Фармон шарофати билан қурилиш ва архитектура йўналишида қурувчи муҳандис ва архитектор кадрлар тайёрлаш имконияти янада кенгайди. Институт тўла маънода истиқлол фарзандидир. Чўнки у мустақиллик билан бирга одимлаб, таълим тизимида муҳим ўзгаришлар ясаган, илм-фан соҳасида улкан ютуқларни кўлга киритишга, қурилиш соҳасига мингла малакали архитектор ва муҳандис-қурувчилар етказиб бериш мақсадида фаолият кўрсатмоқда.

Хўзирда институт таркибидоги эътибор қарилган. Кейинча-тўрта факультет — архитектура-қурилиш, архитектура-қурилиш ва архитектура йўналишида қурувчи муҳандис ва архитектор кадрлар тайёрлаш имконияти янада кенгайди. Институт тўла маънода истиқлол фарзандидир. Чўнки у мустақиллик билан бирга одимлаб, таълим тизимида муҳим ўзгаришлар ясаган, илм-фан соҳасида улкан ютуқларни кўлга киритишга, қурилиш соҳасига мингла малакали архитектор ва муҳандис-қурувчилар етказиб бериш мақсадида фаолият кўрсатмоқда.

Малакали кадр тайёрлаш, бунинг учун шарт-шароит яратиш доимий диққат-эътиборда чиқа олмайди ва у тор имкониятларга эга мўскам бўлиб қоларди. Факультет деканатларидаги ва бош бинадоги компьютерларнинг бир-бири билан модем орқали туташтирилгани анча энгиллик ва қўлайлик туғдирамқда. Бош бинадоги ахборот маркази, 4 та синфхона ва институт бўлимларидаги компьютерлар локал тармоққа уланган. Компьютерлар сонини 189 тага кўпайтирилгани, бар-

тириш ниятидаман. Раҳбарларим т.ф.н., доц. С.Қосимова, катта ўқувчи О. Бодер билан биноларнинг техник ҳолатини баҳолаш, таҳлил қилиш ва мустаҳкам, чидамли том ёпмаларни ишлаб чиқиш ва шаҳар қурилишида тадбиқ қилиш устида илганаямиз. Мамлакатимизда 50-60-йилларда қурилган аҳоли истиқомат қилувчи турар жойлар, модернизацияси долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Бундай биноларнинг айрим конструктив элементларини алмаштириш ёки қайта қуриш лозим. Бу эса том ёпмаларига таоллуқли. Ёиштли ва йирик панелли турар-жойларнинг юқори қаватларида жойлашган хондонларни шамоллатиш жараёнини мукамаллаштириш керак. Рўлонли том ёпмаларининг кўп муддатга яроқсизлиги ва чидамсизлиги туфайли бу хондонларда ноқулайликлар кўпайпти. Ана шу муаммоларга ечим излаш магистрик диссертациянинг асосий мақсади-дир.

So'z — magistrantga

иктисодий талабларга жавоб берадиганлиги, санитария-гигиена ва бошқа қулайликларга эга бўлмаганлиги туфайли шаҳар қурилиши ва ҳўжалиги учун долзарб харақтерга эгадир. Химоядан сўнг ДАК комиссияси қарори бўйича магистратурага қабул қилиндим. Таълимнинг бу босқичида ҳам мен ўз битирув малакавий ишимни чуқурлаш-



регина ЛАТИПОВА, институт 1-курс магистранти

Мустақиллик йилларида барпо этилган кўплаб замонавий иншоотлар — барча қулайликларга эга ёпик бозорлар, спорт мажмуалари, лицей ва коллежлар, турар жой бинолари, кўприқлар, магистрал йўллар киши кўзини қувонтиради. Бунёдкорлик ишларининг кескин суръатда ривожланиши, аввало, шу соҳадаги кадрлар салоҳияти билан боғлиқлиги ҳақида кўпчилик ҳам ўйлайвермайди. Чиройли бино ва иншо-

отларни кўрганда, уларнинг муаллифларига тасанно деймиз. Хўш, мейморга лойиҳалаш, дизайн бериш санъатини ким ўргатади? Албатта, устозлар. Аммо, тўғриси айтганда, кўркам бинолар қурилишига ўзининг камтарона улушини қўшаётган устозлар меҳнатини унутиб қўямиз.

Оддий аксиома

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий, профессор Рим Маракаевнинг салкам 50 йиллик узлуксиз меҳнат фаолияти ҳам ана шу даргоҳ билан бо-



Рим Маракаев билан таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қурилиш физикасига доир фанларни ноънаваний усуллар

Fanimiz fidoylari

кечкмасдан ва бажонидил иштирок этишди. У кишининг аксиомаси доимо бир хил: талаба оддий ҳақиқатни англасин, бу ҳам бўлса ўқиш, ўрганиш, эгаллаш. Булар малакали мутахассис бўлиш шартини эканлигини унутиб бўлмайди.



Институт раҳбарияти томонидан ўтказиладиган йўналишларда муҳим масалалар муҳокама қилинади.



Актёрликка қизиқувчи талабалар ҳамма жойда топилади, Тошкент архитектура-қурилиш институтида ҳам. Институт ҳаваскор ёшларининг «Меҳр» спектакли шу йилги кўрик-танловда «Энг яхши спектакл» номинациясига сазовор бўлди.

Кўш саҳифа материалларини Х.ТўЙМАНОВА тайёрлади.

Олий ўқув юртларида маърузалар тугаб, семинар машгулотлари ҳам бошланди. Сессия ҳам яқин. Талабаларнинг тинчи бузилган. Бир нарсасини йўқотиб қўйган одамдек у ёқ, бу ёққа югуриб юрадилар. Бундай вақтда кутубхона ва нусха кўчириш жойлари гавжум бўлиб қолади. Ҳали китобдан йиртиб олинган арақлар, ҳали маърузалар матни, баъзан ҳатто бутун бошли китобдан нусха кўчирилади. Изланувчан талаба эса, якуний назорат иши саволларига жавоб ёзади-да, компютерда кичик шрифтда тердириб олади. Ёзма иш вақтида рақамга қараб кўчириб олаверади.

Баҳолар ҳам ёмон эмас. Якуний назорат иши

умумий балнинг 30

фоизи миқдоридан баҳоланади.

Бир семестр давомида маъруза эшитиб, семинар машгулотларида билимини мустаҳкамлаган талаба нега якуний назорат ишини мустақил ёза олмайди? Ахир саволлар осмондан олиб эмас, ўтилган мавзулар бўйича тузилади-ку.

— Баъзи домлалар битта дафтарни тўлдиришинг шарт, дейди. Шундай бўлгач, китобдан кўчириб ёзишдан бошқа илож йўқ. Айримлари эса, олиб қочмасдан, каллада борини ёзиш, ижодий ёндашиш керак, дейди. Бир сафар кўчирмасдан ўзим ёзгандим, паст баҳо олдим. Ўшандан бери китоб ёки маъруза матнидан кўчираман, — дейди бир талаба.

Албатта эплаб кўчириш бу — энг осон йўл. Бироқ, бунда талаба фақат ўзини алдаётганини тушуниши керак. Дафтар тўлар, домла баҳо ҳам қўйиб беради. Лекин бунда ҳам ҳар сафаргидек талаба ютқазаверади.

So'rov

— Баъзи талабалар шунчалик саводсизки, китобдан сўзма-сўз кўчиришади. Ҳатто нукта, вергулигача. Уларни текшираётиб худди китоб ўқигандек бўласиз. Ўқитувчилар бу китобларни ўқийвериш деярли ёдлаб олишганини, наҳотки, талабалар билмас, — дейди Раъно исмли ўқитувчи аёл.

Назаримда, бу ҳолатда ўқитувчиларнинг ҳам айби бор. Ёзма иш вақтида талабалар қаттиқ на-

КИМНИ АЛДАЯПМИЗ?

рат иши

умумий балнинг 30

фоизи миқдоридан баҳоланади.

Бир семестр давомида маъруза эшитиб, семинар машгулотларида билимини мустаҳкамлаган талаба нега якуний назорат ишини мустақил ёза олмайди? Ахир саволлар осмондан олиб эмас, ўтилган мавзулар бўйича тузилади-ку.

— Баъзи домлалар битта дафтарни тўлдиришинг шарт, дейди. Шундай бўлгач, китобдан кўчириб ёзишдан бошқа илож йўқ. Айримлари эса, олиб қочмасдан, каллада борини ёзиш, ижодий ёндашиш керак, дейди. Бир сафар кўчирмасдан ўзим ёзгандим, паст баҳо олдим. Ўшандан бери китоб ёки маъруза матнидан кўчираман, — дейди бир талаба.

Албатта эплаб кўчириш бу — энг осон йўл. Бироқ, бунда талаба фақат ўзини алдаётганини тушуниши керак. Дафтар тўлар, домла баҳо ҳам қўйиб беради. Лекин бунда ҳам ҳар сафаргидек талаба ютқазаверади.

зорат

қилиб турилса,

ҳақиқий натижани кўриш, талабаларни ҳаққоний баҳолаш мумкин. Кўчириб ёзилган ва мустақил ёзилган ишлар бир-биридан ажралиб туради. Ёзма ишни мустақил бажарган талаба юқори, кўчирган эса меҳнатига яраша баҳоланса, бундай ҳолатнинг олди олинар.

Баҳонада қанча китоблар йиртилмасди, талабалар ҳам бироз бўлсада ўқишга мажбур бўлардилар.

— Ҳа, энди талабачилик, қийналмасин, деб ўзимни билмаганга солгандим, бўлмади. Бир талабам 4 та саволга жавоб ёзибди, бешинчисига вақт етмагани учун "Жавоб китобнинг фалончи бетида" деб ёзиб қўйибди. Шунчаликка борар деб ўйламагандим, — дея хафа бўлади Аъзам исмли ёш домла.

Менимча, озгина изланса ёзма ишни ёзиш қийин эмас, ахир талаба лоақал сессия вақтида ўқимаса, қачон ўқийди? Бу ҳолатга сиз қандай қарайсиз? Балки бирор таклифингиз бордир, биз билан ўртоқлашинг.

Зухра БОБОХЎЖАЕВА

КОЛЛЕЖЛАР ФАОЛИЯТИДА ҲУДУД ИСТИҚБОЛИ

Чуст тумани марказида бир-йўла иккита, яъни, Чуст маиший хизмат ва педагогика коллежлари фойдаланишга топширилди.

Шаҳарнинг "Мустақиллик" даҳасида қад ростлаган, умумий майдони 68 гектарга тенг бўлган маиший хизмат касб-хунар коллежида 40 тага яқин фан кабинетлари, 6 та лингафон, 4 та компьютер хонаси, кутубхона, 250 ўринли ўқув зали, 250 ўринли фаоллар зали, 150 ўринли ётоқхона, 250 ўринли ошхона, спорт зал, маиший хизматга йўналтирилган ўқув ишлаб чиқариш устaxonалари мавжуд. Баҳодир Мамадалиев етакчилигидаги 6-хўжаликларо механизациялашган кўчма жамланма қурувчилари томонидан бунёд этилган ушбу таълим муассасаси қурилишига 2,5 миллиард сўм маблағ сарфланди ва унга 217.495.478 сўмлик жиҳозлар олиб келиб ўрнатилди.

— Коллежимизда сартарошлик санъати ва декоратив косметика устаси, оёқ-кийим ишлаб чиқариш технологи, ёнилги қуйиш шахобчалари оператори, "В" ва "С" тоифали ҳайдовчи, маиший хизмат машиналари ва жиҳозларини таъмирлаш бўйича уста, радиоалоқа, радио эшиттириш ва телевидение жиҳозларини созлаш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича механик, спорт ўйинлари бўйича мураббий-ўқитувчи, кенг ихтисосли фотоаграф, кимёвий тозалаш бўйича мутахассис, умумий овқатланишни ташкил этиш бўйича мутахассис, референт-иш юритувчи, ЭХМ ва компьютер тармоқларини ишлаш, тикув буюмларини ишлаш чиқариш ва моделлаштириш бўйича кадрлар тайёрланади,

— дейди коллеж директори Раҳмонжон Умаров.

— Нега айнан маиший хизмат йўналишида мутахассислар тайёрланади ва ўқувчилар қаерларда амалиёт ўтайдилар?

— Бизнинг туманимиз, вилоятимизда хунармандчилик жуда ривожланган. Қолаверса, хоҳаймизми-йўқми, барибир, кундалик ҳаётимизда маиший хизматларга кўпроқ эҳтиёж сезамиз. Шундай экан, бу соҳага ўз касбини севадиган, унинг устаси бўлган мутахассисларни талаб даражасида етказиб беришимиз лозим. Ўқувчиларимиз ўзлари таҳсил олган йўналишга қараб турли саноат корхоналари, ташкилотлар ҳамда маиший хизмат мажмуаларида амалиёт ўтаб, билим ва тажрибаларини мустаҳкамлайдилар.

Чуст педагогика коллежи собиқ педагогика билим юрти базасида ташкил этилди. 91-хўжаликларо механизациялашган кўчма жамланма бунёдкорлари томонидан амалга оширилган қайта таъмирлаш ишларига 858 миллион сўм маблағ сарфланди ва 600 та парта, 1200 та стул, 13 та "Pentium-IV" компьютерлари, 40 та доска, 350 тўплам ётоқхона мебеллари спорт анжомлари каби 100 миллион сўмликдан ортиқ жиҳозлар билан таъминланди. Вилоят ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси томонидан 25 миллион сўмлик лаборатория жиҳозлари ажратилган бўлса, ҳомийлар ва ота-оналар 3,5 миллион сўмлик 912 та дарслик ҳамда ўқув қўлланмаларини тўхфа этишди. 1050 ўринга мўлжалланган мазкур билим даргоҳида 3 та ўқув корпуси, улардаги 46 та фан кабинетлари, 2 та компьютер, 4 та лингофон хонаси, 2 та физика,

2 та кимё, 2 та биология лабораториялари, хорижий тил маркази, 2 та тикувчилик ишлаб чиқариш устaxonалари, 2207 номдаги 12511 дон китоб фондига эга бўлган кутубхона, 200 ўринли ошхона, 400 ўринли ётоқхона, 450 кв. метрли спорт зали, минифутбол майдончаси, очиқ ва ёпиқ волейбол, баскетбол майдонлари, стол тенниси зали мавжуд.

Коллеж гуруҳлари ўқувчиларига мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, мактабгача таълим муассасасида хорижий тил ва компютер саводхонлигини ўргатувчи тарбиячи, синфдан ташқари муассасаларда тўғарақ раҳбари, бошланғич синфларда меҳнат таълими ва куни узайтирилган гуруҳ тарбиячиси, бошланғич синфларда жисмоний тарбия ўқитувчиси ва ўқитувчи-тренер мутахассисликлари бўйича, 11-синф маълумотига эга бўлганларга эса меҳнат таълими ва куни узайтирилган гуруҳ тарбиячиси, бошланғич синф ўқитувчиси ва куни узайтирилган гуруҳ тарбиячиси мутахассисликлари бўйича 107 нафар устоз мурабийлар жамоаси билим беришмоқда.

Коллежда ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида спортнинг 18 та тури бўйича тўғарақлар фаолияти йўлга қўйилди.

Буларнинг орасида стол теннисига нисбатан қизиқиш катта. Қолаверса, ўқувчилар ўқув залида 30 номдаги газета, 20 номдаги журналларни мутолаа қилиш имкониятига ҳам эгалар. Булар эса бўлажак муаллимларнинг эртанги педагогик фаолиятларида асқотиши шубҳасиз.

Хуршид СУЛТОНОВ,
"Ma'rifat" мухбири



Жорий йилнинг Меҳрмурувват йили деб номланиши, қайтадан тикланаётган урф-одат ва маросимлар — халқимизнинг азалдан меҳрли, саховатли бўлиб келганлигини тасдиқлайди. Тошкент юридик коллежида ҳам йил бошидан буён бу борада салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Яқиндагина иккинчи босқич талабалари томонидан ўтказилган "Меҳржон" хайрия марафони ҳам шундай тадбирлардан бўлди.

Марафондан тушган маблағ пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 23-Меҳрибонлик уйига тақдим этилади.

ДУНЁНИ МЕҲР АСРАЙДИ

— Очиғи, марафонга талабаларнинг бу қадар фаол иштирок этиши кутилмаганди, — дейди марафон ташкилотчиси, 2-босқич декани Рўзали Отабоев, — ишчи гуруҳ аъзолари томонидан ташкил этилган давра суҳбатлари, тушунтиришлар ўзининг ижобий самарасини бердими ёки фарзандларимиз азалдан шарқона қадриятлар устувор бўлган муҳитда тарбия топганликлари боисми, тадбирга ҳамма бажонидил иштирок этди.

кунида иккинчи босқичнинг бир гуруҳ ўқитувчи ва талабалари тадбирдан тушган маблағ ва совға-саломларни олиб, пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 23-Меҳрибонлик уйига ташриф буюрдилар.

Бу ерда 3 ёшдан 11 ёшгача бўлган 100 нафар кичкинтойлар истиқомат қилишаркан. Ака-опаларининг ташрифлари бу мурғак қалбларни тўлқинлантириб юборди. Совғасаломлар ҳам бир дунё

Tadbir

эди — турфа хил ўйинчоқлар, болалар кийим-кечаклари, ўқув қуроллари...

— Тошкент юридик коллежидан ўқитувчи ва талабалар Меҳрибонлик уйимизга тез-тез ташриф буюриб, мурғак қалбларга шодлик улашиб кетадилар. Улардан жудаям мамнунмиз. Бу ҳам мазкур ўқув даргоҳида маънавий-маърифий, тарбиявий ишларнинг яхши йўлга қўйилганлигидан нишона, — дейди Меҳрибонлик уйи раҳбари Сайёра Адашева.

Ҳа, талабаларнинг дил сўзларида баён қилинган-

нидек, дунёни меҳр асрайди. Меҳрга ташна қалбларга шодлик улашмоқ эса ҳам қарз, ҳам фарз, янаям тўғрироғи, инсонийлик бурчимиздир. Муқаддас ҳадисларда баён этилганнидек, кимда ким меҳрибонлик қилмас экан, ўзи ҳам меҳрибонлик кўрмагай...

Мархабо СОБИРОВА,
Суратда: хайрия марафонидан лавҳа

САНЪАТГА ЧОРЛОВЧИ МУЛОҚОТЛАР

Ўзбекистон Бадий академиясининг нашри бўлмиш "San'at" журнали томонидан "Меҳр ва мурувват йили" муносабати билан куни кеча Хлебешкина номидаги 22-сонли меҳрибонлик уйида тадбир уюштирилди.

Дастлаб журнал бош муҳаррири Нодир Норматов сўзга чиқиб, ушбу нашрнинг тарихи ва Ўзбекистон санъати тарихи, бугунги замонавий жараёни, тасвирий ва амалий санъати, дизайн, меъморлик, театр, мусиқа санъати масалалари, қадимшунослик, этнография, халқаро маданий алоқаларни тарғиб этишдаги ўрни ҳақида сўзлаб берди. Ушбу журнал ёшларимизнинг маънавий дунёқарашини ривожлантиришда катта аҳамиятга эгалигини таъкидлаб, ушбу меҳрибонлик уйига кутубхоналар учун чиқарилган ўзбек, рус, инглиз тилларидаги 22 та сондан иборат тўпламини ва ўз китобини сова сифатида тақдим этди.

Бундай совғалар республикамизда мавжуд

барча меҳрибонлик уйларига бепул тақдим этилади.

Сўзга чиққан севимли рассомларимиз Ваҳоб Зиёев, кулол-рассом Ашурмухаммад Мамасолиев ўзлари чизган суратлари кўرғазмасини ташкил этиб, тарбияланувчиларнинг қизиқарли саволларига жавоб беришди. Шоир Мирпўлат Мирзо ўз шеърларини ўқиб берди. Санъатшунос Бинафша Нодир ушбу журналларни ўқиб ўрганган ёшларнинг келажакда билимли, ақлли, санъатсевар, баркамол ва етук инсон бўлиб етишишини таъкидлаб, уларга ўзининг "Санъат атамалари лугати" китобини совға қилди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулбаҳор Сулаймонова ўз кўшиқлари билан даврага файё киритди. Куй-кўшиқлардан илҳомланган меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ўзлари ҳам кўшиқлар айтиб, рақсларга тушиб келган меҳмонларни хушнуд этдилар.

Назokat ХОЛМЕТОВА

Amaliy mashg'ulotlar


Ўқитувчини қалб ҳайкалтарошига менгзайди, доно халқимиз. Демак, у инсон қалбига йўл топа олиши ва ўша қалб тўрида шамчирок бўлиши даркор. Бунинг учун эса тинимсиз изланиши, янгиликлардан хабардор бўлиши керак. Ҳар бир мавзу ўқувчи қалбига, хотирасида сақланиши учун дарсларда турли хил методлардан: суҳбат, маъруза, баҳс, гуруҳлар билан ишлаш, савол-жавоб, турли хил дидактик ўйинлар ёки халқ оғзаки ижодининг эртақ, қўшиқ, мақол, тез айтиш, ҳикматли сўзларидан фойдаланиши мақсадга мувофиқ бўлади. Иш тажрибамда «Маърифат» газетасида босилаётган «Бир соатлик дарс» баёни, турли услубий ёрдамчи манбалардан фойдаланган ҳолда, ўзим ҳам нималарнидир ўйлаб топиб, уни дарсда қўллаб кўраман. Шу боис, куйида бир соатлик дарс жараёнида ўқитишнинг бир неча усуллардан фойдаланиш мумкинлигини тавсия этмоқчиман.

Она тили фанининг «Фонетика» бўлимини ўтишда унли ва ундошлар таснифи берилган. 3-синфда унлилар ва ундошларнинг илк тушунчалари берилиб, кейинги босқичларда яна ҳам сайқаллашиб бораверади. Шундай ҳолатда унлилар таснифини қуйидагича тушунтириш билан изоҳлаш мумкин. 10-синф «Она тили» дарслигида ундошлар таснифи жадвали 24-бетда берилган (Тошкент. «Ўқитувчи», 2003). «Ҳозирги ўзбек адабий тили» дарслиги ва «Ўзбек тили жадваллари» китобида, унлилар ҳақидаги тушунчалар жадвал асосида кўрсатилган. Ўқувчига содда ва раво, аммо хотирасида узок муддат сақланиши учун мен дарсга ижодий ёндошган ҳолда қуйидаги жадвални тузиб чиқдим.

Ўзбек тилида 6 та унли товуш бўлиб, улар доимо ёнма-ён, яъни жуфт ҳолда юради. Булар:


а	о	ёки	а	о
и	э		и	э
у	ў		и	о'

Бу унлилар айтилишига кўра, бир-бирига маълум бир жиҳатдан ўхшаш, шунинг учун уларни дугоналар, жуфтлар ёки эгизаклар дейиш мумкин. Энди улар таснифига кўра, вертикал ва горизонтал ёки лабларнинг иштирокига кўра бўлинади, бунда тушунтириш осон бўлиши учун бошқотирма тарздаги кўринишини берамиз, яъни, тик ва ён тарзда. Энди жадвални қуйидагича чизамиз:



Юқоридаги расмда кўринадики, тилнинг горизонтал, ён ҳаракатига кўра (геометрик фигура: тўғри ва ўткир бурчаклар дея тушунтириш мумкин) тил олди ва тил орқа унлилар; тўғри бурчакли — тил олдилар: а, и, э ёки а, и, е; ўткир бурчакли — тил орқалар: о, у, ў ёки о, и, о';

Тилнинг вертикал ҳолатига кўра худди шу чизма асосида унлилар 3 га бўлинишини қуйидагича кўрсатиш мумкин:



тор унлилар: и, у ёки и, и
ўрта кенг унлилар: э, ў ёки е, о'
кенг унлилар: а, о ёки а, о.

Бундан кўриниб турибдики, яна бир кўриниш орқали унлилар классификациясини чизмада ақс эттириш мумкин. Шунингдек, лаблар иштирокига кўра эса пастки чизмага бир чизиқ тортиб, лаблашган ҳолатни кўрсатиш кифоя, яъни у, ў ёки и ва о' лаблашган унлилардир.

Ўқувчига ундошлар таснифини тушунтиришда ҳам математика билан боғлиқ ҳолда, уларнинг саногона ҳам эътибор бериш сўралади. Биз биламизки, ўзбек тилида 23 та ҳарф ва 25 та ундош товуш бор, чунки ж ва нг 2 хил тарзда учрайди. Ж — сирғалувчи ва қоришиқ; жийда — гараж. Энди товушларнинг 5 томондан таснифини тушунтириш ва ҳар бир гуруҳ ҳамда унинг гуруҳчасини яна чизма орқали ифодалаш мумкин. Бунинг учун биология дарсида қўлланувчи одам склети (бош қисми)дан тил кўринишини оламиз ёки қуйидагича изоҳлаш тавсия қилинади:

- 1) лаб-лаб товуш: б, м, п (в, м, р) 3 та
- 2) лаб-тиш товуш: в, ф (в, ф) 2 та
- 3) тил олди: т, д, с, э, ш, ж (дж) г, н, л, р; (т, д, с, з, ш, и, ч, п, л, т) — 10 та;
- 4) тил ўрта: й (у) 1 та; (5) тил орқа: к, г, нг (к, г, нг) — 3 та;
- 6) чуқур тил орқа: к, г, х (қ, г', х) — 3 та;
- 7) бўғиз товуш: ҳ (h) — 1 та.

Энди лаб+лаб ва лаб+тиш соҳасидаги товушлар миқдори кўшилса, ўша 23 (25) рақами ҳосил бўлади: 3+2+10 (1)+1+3+3+1=23 (25) (дж+нг таъсирида)

Шу ўринда унлилар вокализм (белгиси: V), ундошлар консонантизм (шартли белгиси: C) деб номланишини эслатиш мақсадга мувофиқ. Товуш эса фонема дейилишини ҳам уқтириб ўтиш керак ва она, ота, бола, ботир vcv, vcv, cvcv, cvcvcv сўзларининг шартли белгисини ҳам ёзув тахтасида ёзиш мумкин.

Энди эса кичик бир эртақ айтиб, лирик чекиниш қилиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

Бир бор экан, бир йўқ экан, яқин эмас узокда, узок эмас томоқда бир макон бор экан, унда ҳарфлар ҳамжиҳат ва ҳамфикр, ҳамнафас ва ҳаммаслак бўлиб яшашар экан. Кунлардан бир кун улар ўзлари яшайдиган манзилдан сал нарида, тоғ орқасида ажойиб бир гўзаллик борлигини эшитиб қилишибди ва биргаликда «Лисон ут-тайр» қушлари мисол сайр қилишмоқчи бўлишибди. Йўлга чиқиб йўл юришибди, биринчи чарчагани ҳ бўлибди ва мен қариганман, йўлда толиқиб қолдим, сизларга «оқ йўл» дея фотиҳа берибди, унинг қолганини кўрган 3 та ён қўшнилари ҳам чекинишга келишиб олишибди ва к, г, х ҳам Х тарафда қолмоқчи бўлибди. Шундай қилиб, бу 4 танинг ёнида яна 3 таси адирга чиқиш жойида тўхтаб қолибди, булар: к, г н (нг)лар экан.

Шундай қилиб, бўғиз товуши: ҳ (h), чуқур тил орқа товушлари: к, г, х (q, g, x), тил орқа товушлари к, г, н (ng), (k, g, n, ng) лар йўлда чарчаб ва бир-бирига ҳаммаслак бўлиб тўхташибди. Буларни кўрган й товуши нима қиларини билмай ўрта йўлда аросатда қолибди, кетай деса, баъзилари ортида қолган, қолай деса, олдинларни нимадир — сникерус кутаяпти. Хуллас, ўртада сарсон ўтириб олиб режа туза бошлабди. Шу пайт дўнглик пайдо бўлиб, баъзилари сирғалиб, баъзилари бақириб (портлаб) кета бошлашибди, сирғалиб тушганлар сирғалувчиларни: ф, в, г, с, з, ш, ж, (в, в, g, s, z, sh, j), бақирганлар эса портловчиларни (қолганлари): д, т, г (d, t, g) ташкил қилибди. Шу пайт фор пайдо бўлиб эшиги очилиб-ёпилиб қолибди, шунда портловчи ва сирғалувчилардан баъзилари туртиниб-суриниб чика бошлабди. Фор эшиги чала ёпилганда ва тўлиқ ёпилганда б, м, п (b, m, p), в, ф, (v, f) лар лаб-лаб ва лаб-тиш ундошлари чиқиб олишибди. Ҳеч тўсиққа учрамай, эмин-эркин учиб кетишга эса 6 та ҳарфгина эришибди, булар ўша бир-бирини қўллаб-қувватловчи дугона-ҳарфлар: а, о, и, э, у, ў (a, o, i, e, u, o') лар экан. Буларнинг эркин-

КўРГАЗМАЛИ ДАРСЛАР

у ўқувчининг тушунчаларни чуқур ўзлаштиришига самарали таъсир кўрсатади


лигига ҳам ҳаваси, ҳам ҳасади келган й (у) товуши ўйлаган режаси асосида: «Олдинга учса оёғидан, орқа кетса қулогидан» дея я, ю, ё, е (ya, yu, yo, ye) ларни ҳосил қилиш таррадуғига тушибди. Ҳасадгүй ўз ниятига етибди ва гуруч курмаксиз, тоғ тоқсиз бўлмайди, деганларини исботлабди.

Хуллас, ўқувчилар эртақ давомида эмин-эркин, тўсиққа учрамаган унлилар ва тўсиққа, тоғу-тошга учраган ундошлар ҳақида билиб олишади. Шунингдек, ўқувчилар билан мулоқотга замин ҳосил бўлади. Тасниф асосида қайси ҳарфлар иштирок этди-ю, қайсиниси йўқ. Топқир, зийрак ва эътибори кучли ўқувчи буни яққол сезади. Агар тополмаса, ўқитувчи изоҳ беради. Ҳарфларнинг тоғу тошларга, фор эшигига урилишини кўрган товуш кўрққанидан титраб қолган, қалтироқ Р, р (R, r) товуши эканлиги қайд этилади. Шунингдек, африкат товушлар ц, ч, ж лар (ts, ch, j yoki ch, ng) лар ҳақида тўхталиб, товушлар тарихан 2 товушнинг қўшалоқ келишидан дарак берилиши — ц — т ва с (t+s), ч-т+ш (ch-t+sh), ж-д+ж (j-d+j)идан ҳосил бўлиши тушунтирилади. Шу ўринда жарангли ва жарангсиз товушлар ҳақида қуйидагича таъриф ёки тушунча бериш мумкин. Ҳаётда эгизаклар «Ҳасан-Ҳусан», «Фотима-Зухра» ёки кун-туң ҳақида эшитгансиз, жарангли ва жарангсизлар ҳам шу тарзда бир-бирининг ўрнида кўринувчилардир, буларни жуфти бори дугонаси ёки эгизи бори, дейилади, қайси бири тоқ бўлса, демак, у ёлғиз, ҳали ўзига дўст тополмаган ёки йўқотиб қўйган: б-п, в-ф, д-т, з-с, ж-ш, г-к, г-х (b-p, v-f, z-s, j-sh, g-k, g'-x), битта тоқ жарангли — й якка, ёлғиз, аросатда қолиб, ўзига дўст тополмаган ва 3 та жарангсиз, ҳали жуфтланмаган — ц, қ, х (ts, q, h).

(Ko'rinib turibdiki, lotin alifbosini ham o'z o'mida qo'llagan holda tushuncha berish lozim).

Ушбу эртақ мисол ҳарфлар баёнида ўқувчининг диққати ва зийраклиги яна бир бор кузатилган ҳолда синалади. Нима учунки, бунда ўқувчи бутун диққати билан бу эртақни тинглаган, кўргазмали воситани кузатган ҳолда тушуниши осон кечади.

Яна бир тушунтириш иши бу "Alifbo", яъни, алфавит тартибини ўрганиш. Чунки бу ҳарфлар тартибидан рақамлар орқали сўзларнинг сон тартибини ҳосил қилиш мумкинлиги уқтирилади. Масалан: тест сўзи алифбо асосида кирилл алфавитида 20, 6, 19, 20 тартибда, лотин ёзувида асосланган лотин алифбосида 19, 4, 18, 19 тартибда берилишини солиштириш мумкин. Шунинг учун алфавит тартибини ўрганишда ўқувчи ўз бармоқ ва қафтларидан фойдаланиши мумкин. Бармоқларимиз 5 талиги ва ҳар бири 3 бўғиндан иборат бўлиб, жами 15 та, буниси билан ҳисобланса, 30 ҳарф-рақамни тартиб билан жойлаштириш мумкин



Шу тарзда кирилл ва лотин алифбоси асосидаги ўзбек алифбосини тушунтириш ва ҳарфлар жамланмасидан сўзлар

тузиш осон. Ўқувчи ўз қўллари (шаргалка вазифасини ўтаган ҳолда) билан ҳарфлар тартибини тезгина ўрганиши мумкин (кафт қисмига 5 тасини ёзиш мумкин).

Шу ўринда мавзунини чуқурлаштириш мақсадида хотирани синаш машқини ўтказиш мумкин, яъни, чап қўлда 15 та, ўнг қўлда 15 та ҳарфлар тартибини синаш учун 8, 12, 14, 18 каби рақамлар ёзилади ёки оғзаки айтиб ўтилади, ўқувчининг хотирасини мустаҳкамлаш учун 4 та рақамдан 7 гача кўпайтириб борилади ва бола ўз бармоқ бўғинларига ёзиб чиққан рақамларни кўз олдида келтирган ҳолда айтиб чиқади: i, m, o, s ёки г, ж, м, р. Шу тартибда ҳарфлар асосида исмлар (ўқувчи ўз исмининг), асар номи, шеър номи ёки она тили фанига оид атамаларни ёздириш мумкин.

Хуллас, ҳар бир мавзунини ўтишда ўқитувчи ўқувчи дунё-қарашини ва қизиқишини ҳисобга олган ҳолда иш тутиши лозим.


Бунда эса турли хил усулларнинг қўлланилиши ва, энг асосийси, кундалик ҳаётимизга мос, шу билан бирга ўқувчи ўз ён-атрофидан ёки ўз ҳолатидан фойдаланиб иш кўрса, яна ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

Дарсни мустаҳкамлаш учун эса дарс мобайнида ишлатилган усулларга мос ва хос тестлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Тест олдиндан ёки дарс мобайнида ўқувчилар томонидан ҳам тузилиши мумкин.

Тест саволлари:

1. «Fonetika» нимани ўргангани?
- а) нутқ аппаратини; в) нутқ органларини; с) нутқ товушларини; г) а ва в; е) а, в, с.
2. Унли товушлар яна нима деб аталади?
- а) консонантизм; в) вокализм; с) фонема; д) а ва в; е) тўғри жавоб йўқ.
3. Тил олди, кенг унли қайси қаторда берилган?
- а) и; в) о; с) а; д) е; е) у.
4. Тил орқа, тор унли қайси қаторда ифодаланган?
- а) у; в) о; с) ў; д) и; е) а.
5. Тил орқа, ўрта кенг унли қайси қаторда ўз ифодасини топган?
- а) и; в) а; с) ў; д) у; е) о.
6. Тил олди, тор унли қайси қаторда берилган?
- а) а; в) о; с) ў; д) у; е) э.
7. CVCC асосида ёзилган сўз қайси қаторда берилган?
- а) сана; в) диёр; с) мард; д) кўза; е) қози.
8. Ҳарфлар тартибидан фойдаланиб, лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбоси асосида «Япония» сўзи келтирилган қаторни белгиланг.
- а) 30, 17, 16, 15, 10, 30; в) 31, 18, 16, 15, 10, 31; с) 23, 1, 14, 13, 12, 8, 23; д) 23, 1, 15, 14, 13, 8, 1; е) 23, 1, 14, 15, 13, 7, 23, 1.
9. Қайси қаторда «инглиз» сўзи тўғри берилган (ҳарфлар-рақамлар асосида)
- а) 9, 13, 6, 10, 9, 23; в) 8, 13, 6, 11, 8, 24; с) 8, 29, 11, 8, 24; д) 8, 29, 12, 8, 23; е) 9, 29, 11, 9, 24.
10. «Маями» сўзи қайси қаторда тўғри изоҳланган?
- а) 14, 1, 31, 14, 10; в) 12, 1, 23, 1, 12, 8; с) 13, 1, 30, 13, 10; д) 14, 1, 30, 14, 9; г) 13, 1, 31, 13, 10.
11. Товуш бу —
- а) овоз; в) ун пайчалари; с) фонема; д) вокализм; е) шо-вқин.
12. Жуфт жаранглилар сони қайси қаторда тўғри изоҳланган?
- а) 8; в) 9; с) 6; д) 7; е) 5.
13. Чуқур тил орқа ундошлар қайси қаторда?
- а) к, к, г; в) ф, х, қ; с) х, х, ф; д) к, г, нг; е) г, х, ф.
14. Лаб-тиш товуш иштирок этган сўз қайси қаторда берилган?
- а) васл; в) лафз; с) факс; д) ваъда; е) хавф.
15. «Оқ фотиҳа» бериб кузатган ҳарф?
- а) х; в) х; с) қ; д) ф; е) г.
16. Тил ундошлари қайси қатордаги сўзда учраган?
- А) эртақ; в) тандир; с) мактаб; д) ҳаёт; е) манти.

Баъзи ўқувчиларни қуйидаги бошқотирмани ечишга ундаш ҳам мумкин.



(Ушбу соат милларини қарама-қарши йўналишда учраш-тирсангиз, мавзуга оид атама келиб чиқади ва шу атама таърифини ёки маъносини тушунтириш талаб этилади).

Таркатмали жиҳозларда эса қуйидагича саволлардан фойдаланиш мумкин?

1. CVCCVCV га оид сўзларни ёзинг.
2. Вилотингиз номини рақамлар тартибда жойлаш-тиринг.
3. Севимли газетангиз ёки журналнинг номида не-чта унли ва нечта ундош қатнашган?
4. Мактабингизда нечта унли синфлар ва нечта ундош (ҳарфлар «А», «Б...») синфлар мавжуд?
5. Севимли хонандангиз исми, шарифида жарангли ва жарангсизлар сони нечта?
6. Сирғалувчиларни сананг ва ҳар бири иштирокида сўзлар занжири ҳосил қилинг.
7. Бармоқларингиз асосида сўзлар ҳосил қилинг (ҳар-флар тартибидан фойдаланиб).
8. Сонларни сананг ва улар иштирокида сўзлар тузиб, бошқотирма тайёрланг.
9. Консонантизм нима ва у ҳақида маълумот беринг.
10. «Она тили ва адабиёт» сўзларини рақамларда код-ланг.

Дилбар НОРМУРОДОВА,
Термиз шаҳридаги
Алишер Навоий номидаги
11-умумий ўрта таълим
мактаби ўқитувчиси

ОЙНИНГ ЎН БЕШИ...

Агар ҳаёт сенга тутса ҳам оғу,
Кўп ўқима, кўйгин, чекма ҳеч фиғон.
Ойнинг ўн беши гар бўлса қоронғу,
Ўн бешини эса, дерлар чароғон.

Тун сиёҳидан сўнг келар субҳидам,
Тонг-ла кўёш нур сочмоғи муқаррар.
Азалдан ёнма-ён шодлик ила ғам,
Йўқса тотли бўлмасди бахт ҳам бу қадар.

Ойша НУРАЛИЕВА,

Риштон туманидаги 18-мактаб директори



ШАБНАМДАЙ БЕҒУБОР КЎНГЛИМДАГИ ИШҚ

Атиргул лабида кулган шабнамдай,
Губорсиз фаришта вужудимда ишқ.
Жисму жаҳонимга жонбахш онамдай,
Инжусан, муҳаббат, илоҳий кўшиқ.

Севги уммонига мангу кўмилсам,
Кафанлаб қўйсалар оппоқ ишқ билан.
Вафо ёмғирини уюб чўмилсам,
Қабримда райҳонлар айтишса ўлан.

Ёр-ёрлар юрагим уйғотиб қўйса,
Умидвор термулсам мунглиғ куйига.

Қақраган лабларим манглайинг ўпғач,
Қайта туғилсайдим бахтнинг уйида.

Изтироб, аламлар — минг йиллик рақиб,
Лол қолса Тангримнинг мурувватига.
Юпанчим муҳаббат ғунчалар тақиб,
Жон ато этсайди, кўнглим қатига.

... Шабнамдай беғубор кўнглимдаги ишқ.
Азиза БОЙМУРОДОВА,
Каттакўрғон туманидаги 28-мактаб
ўқитувчиси

**Энди орзулардан хотиралар кўп,
Энди ўтмишгина мен учун ҳадсиз.
Ҳа, ошни ошадик, ёшни ёшадик,
Эртанинг қайғуси қолдимиз энди...**

Асқад МУХТОР

Кўп йиллар ўтди, кўп сувлар оқиб кетди. Ҳар сафар она юртимга, ўсиб улғайган ҳовлимга борганимда қишлоқнинг электр ва газлашганини, йўллар асфальтланганини, қувурлардан ширин, тоза сувлар келиб турганини кўриб севинаяман. Сувини ичиб, нонини еб тўймайман.

Шу кунларга етказган Аллоҳга минг бор шукроналар айтаман.

Бу фаровонликни мен билган, мени тарбиялаган кўплаб боболарим, момоларим кўролмадилар. Лекин ота-онам кўришга муяссар бўлди. Газ билан иситиладиган ёп-ёруғ уйларда қолган умрларининг 15-20 йилини ўтказишди.

Ота-онам ҳовлисига, киндик қоним томган катта ҳовлига қачон кирмай, рўпарадаги пешайвоннинг биринчи устунига тикиламан. Унда кўк бўёқ билан сирланган кўк кружка доимо осиглиқ туради. Мабодо ҳовлига тунда кирсам, уни пайпаслаб топаман. Бу ерни тарк этаётганимда ҳам кружкани ушлаб, кўзларимдаги ёшни ука-сингилларимдан, жиянларимдан яширишга ҳаракат қиламан. Ҳар сафар шу аҳвол. Чунки кўк кружка болалик хотираларимни уйғотиб юборади.

...Аллақачон уйли-жойли бўлиб кетганмиз. Болаларим ҳам улғайиб қолди. Бир куни оиламизнинг барча аъзоларини тўплаб, нонуштани бирга ўтказишга қарор қилдик. Нонушта устида болалардан сўрадим: "Айтинглар-чи, нега дастурхон ёзилади? Усиз ҳам овқатни еб кетаверсак бўлмайдимиз?"

5-синфда ўқийдиган Нодира кизим кўп ўйламасдан айтди: "Дастурхонни нон ушоқлари ерга тўкилмаслиги учун солишади-да".

Ё, раббим! Бу гапни на мен, на онаси, на мактаб ўқитувчилари бу қизга ўргатган (қизим рус мактабда ўқирди). Дилим хуш бўлиб, ич-ичимдан севишиб кетдим. Дилимда Нодира қизимга бир нуқта қўйдим. Бу нуқта замирида ёш қизчанинг нон увоғига бўлган ҳурмати турар эди.

...Йиллар ўтди. Қизим узатилди. 5-синфда ўқийдиган

ўғли бор. Ҳар гал шаҳардан бизни кўргани келганида кўлида нон ушоқлари, бўлаклари солинган халтача бўлади. "Бу — молларингизга" деб қўяди у. Халтадаги нонларни саралаётиб, кўриб қоламан: улар орасида гоҳида бутун, гоҳида ярми ейилган оппоқ тандир нонлари, батон, булочка, бўғирсок, печеньелар чиқиб қолади. "Нодира, шундай тоза нонларни нега чиқитга чиқарасан, ахир увол эмасми?" деб сўрасам, қизим: "Ада, буларни кўшниларимиз келтириб беришган, менинг нонни чиқитга чиқармаслигимни биласиз-ку, сиз айтиб берган кўк кружка воқеасини ҳеч қачон унутмайман", дейди.

Ўша жавобидан кейин қизимга муҳаббатим яна ортди. Шу ўринда бир ҳико-

Акамнинг ёши ўнларда бўлиб, мактабда ўқирди. Биз онамизнинг ҳолига қанчалик ачинмайлик, қўлимиздан бирор иш келмасди.

Ана шундай кўклам кунларининг бири эди. Талонга озиқ-овқат бериш ҳам тўхтаган пайт. Уйда ҳеч вақо йўқ. Ҳатто бармоқдай нон бўлагини, битта ўрик, бир дона картошка ёки лавлаги, ягона олма қоқи ёки қурут ҳам йўқ эди уйимизда.

"Бугун нима қиламан энди?" деб зорланиб йиғларди онам. Ниҳоят, у бир қарорга келдимиз, Гиёсидин акамга тайинлади: "Биз кеч қайтамиз, сингилларинг Раҳима ва Шафоҳатни олиб боболарининг олдига бориб ўтир. Очдан бугун ўлсаларинг, боболаринг ёнида ўлларинг ёки улар би-

кўришаётганларида ойим иккалалари хўнграб юборишди. Улар тўлиб кетган юракларини бироз бўшатиб олишган бўлса керак. Она-жон, бунча кўп экан кўз ёшларингиз. Онаминг йиғисига мен ҳам қўшилардим, чунки ҳеч бўлмаса бир нарсадан онага ёрдам бериш керак эди-да.

Кўзидан ёши аримаган Меҳри опа келиб менинг бошимни силади (Бу йўл бўйидаги аёлларнинг ҳаммаси вафот этиб кетганлар. Уларнинг руҳларини Аллоҳ раҳматига олган бўлсин).

— Забира, бола билан оқшомгача ҳаракат қилсанг, бир-икки кунлик емишларинг чиқиб қолади, — деди Меҳри опа ва йўл бўйига ишора қилди. Чеккада, тошлар орасида, ҳар ер-ҳар ерда тунги

диган" бу таомдан ойим қўшнимиз Арофат холага, унинг уч боласига ҳам ажратиб берди. Бу таомнинг номи нима эканлигини ҳали ҳануз билмайман. Атала десак уни йўқ, гўжа десак, на гўжа, на ёғи, на пиёзи, на картошкеси бор. Эзилган буғдой сув, туз, холос. Лекин, бу меҳнат қилиб топилган, бизни очликдан сақлаб қолган энг ширин таом, ҳалол насибамиз эди. Тўрт бола ҳали-вери ўлмайдиган бўлди. Эртасига, индинига, ундан кейин ҳам яна бордик. Очликдан қийналган халқ йўлда тўкилган донни ҳам териб бўлди. Бу донлар экишга ташиляётган қопларнинг тешиқларидан тўкилган экан. Аллоҳнинг иноятими, Георгиевка—Оқсой (ҳозирги Бидайчи) йўлидаги ана шу тўкилган донлар қанча-қанча одамларни ўлимдан асраб қолди.

Бу воқеани болаларимга сўзлаб берганим, аммо кўпчиликка айтмаганим. Ана шу кўк кружка 60 йил муқаддам бўлиб ўтган даҳшатли уруш йилларидан эсдалик бўлиб, ҳалиги устунда ҳамон осиглиқ турибди. Мен ўтган кунлар билан ҳозирги даврни таққослайман. Ва худога минг бор шукроналар айтаман.

Ҳар сафар Қорамуртга борганимда укаларимдан биринчи навбатда кружка турибдимиз, деб сўраб қўяман. Улар шукроналик билан: "Ана 15-20 қоп ун, бир кўра қўй, от, соғин сигир, икки буқача", деб қўйишади. Раҳима синглимдан: "Болаларинг оч эмасми, қишдан қийналмай чиқаяпсизларми?", деб сўради у "Жиянларингиз қўли меҳнатга тегиб қолди оға. Мана бу йил 26 қоп ун олиб келишди, мол-жонимиз, ҳаммаси етарли", деб менга бир-икки қоп ун олиб кетишни таклиф қилади. Ҳалиги бешикдаги Шафоҳат синглим эса: "Оға, бизларни ҳеч ўйламанг, ҳар йили икки тонна буғдойни ун қилиб оламиз", дейди. Бундай турмушдан нолиб бўладими? Фақат шукр қилиб, бир-биримизни ҳурматлаб яшашимиз керак эмасми, укаларим, жигарларим!

Жуда ошиб-тошиб кетмасак ҳам яшаяпмиз, лекин ҳеч қачон кўк кружка воқеасини эсдан чиқара олмайман. Бу воқеа менинг дардим, эроним, бахтим.

Баҳриддин ПАЗЛИЕВ,
нафақажўр, техника
фанлари номзоди,
Янгийўл тумани, Гулбахор
кўрғони

КЎК КРУЖКА

(бўлган воқеа)

ят эсимга тушиб кетди. Мирзо Улуғбек отда навкарлари билан бораётган эканлар, иттифоқо йўлда ётган бир бурда нонни кўриб қоладилар. Ва отдан тушиб, нонни олиб, чангини қоқиб, қўйиларига соладилар. Шунда навкарлардан бири: "Ҳазрат, айтсангиз биз олиб берар эдик-ку", дейди. Мирзо Улуғбек айтдики: "Шу бир бурда нон олдида менинг подшолигим ҳечдир".

Мен гувоҳ бўлган воқеага эса 60 йилдан ошди. Мен эндигина 7 ёшга тўлган эдим. Ҳали мактабга қатнамасдим. Отамиз аскарликда, уйда онам тўрт бола билан қолган. Энди эмаклаётган сингилларим Раҳима, бешикдаги эмизлик Шафоҳатга акам икковимиз қарардик. Онам далага эрта кетиб, кеч келарди. Икки қизни бешикка белаш, уст-бошини янгилаш, кўтариб овутиш, онамиз ташлаб кетган егуликларни уларга бериш бизнинг зиммамизда эди. Онамиз яқинда ишлаётган бўлса, эмизига олиб борардик. Уйда соат йўқ эди. Вақтни куннинг чиқиши ва ботишига, сингилларимизнинг қорни очиб йиғлашига қараб белгилардик. Онамиз айтган ишларни акам икковимиз эринмай бажарардик.

рор егулик топиб берар. Улар бўлсам ўлиб бўлдим", — деди-ю, мени етаклаб чиқиб кетди.

Ерда ҳали қиров бор эди. Оёғимга калишми, алламбало кийдим. Устим юпун. Қишлоқ кенгаши идорасидан катта ҳовуз бўйлаб ўтиб, Қорамуртга сув келадиган ариқ бўйидан юриб, тоққа қараб кетдик...

Мен бир луқма егулик топиш илинжида отланган онам ортида елиб-югуриб борардим. Онам ҳали тирик, бирор егулик нарсани, албатта топади. Мен бунга ишонардим. Болаларим очликдан ўлиб қолмасин деб, ўзи ўлимга тик боқиб турган онамиз ёнимизда эди. Энди билаяпманки, ўша куни биз Қорамуртдан анча олисдаги, кун чиқишдаги "Йўл ўтган"га отланган эканмиз. Биз келганда кун анча кўтарилиб қолган, йўл бўйида биздан олдин келган уч-тўрт аёл чўнқайишиб, бир нарсалар терардилар. Мен аввалига уларнинг бу ишига тушунмадим.

Онам аёллар билан йиғлашиб кўришди. Улардан биттаси — Меҳри опанигина танидим. У Давлетов Мулла ака деган кекса ўқитувчининг аёли эди. Меҳри опа билан

шудринг, намгарчиликда бўкиб, анча катталашиб қолган буғдой донлари ётарди. Ҳалиги аёллар ана шу донларни теришга келган эканлар.

Шу куни қиладиган ишимни англадим. Ерга тўкилган донларни кўриб, севишиб кетдим. Бир-иккисини оғзимга солиб, қумини тупуриб, мағзини шима бошладим. Онам қўлимга қулоқли кўк темир кружкани берди. Терган донларимни шунга сола бошладим. Оғзимдаги дон шимилиб бўлса, бошқасини, энг катта донни солиб шимардим.

Менинг, ойимнинг, ҳалиги аёлларнинг шу кунги нонуштаси, тушлиги ўша оғзига тушаётган, тош орасидаги қумга беланиб ётган буғдой донлари эди.

Мен шу куни тўқ эдим. Кун ботишига оз қолди. Кружка ҳали тўлмаганди. Унда нечта, мингтами ёки икки мингтами дон борлигини ҳеч ким билмасди. Мен донларимни онам терганига қўшиб, рўмол учига тугиб олдик ва ёлғизоёқ йўлдан орқага қайтдик. Уйга қоронғи тушганда этиб келдик. Терилган донларни ювиб, келида эзиб, сувда қайнатиб тановул қилдик. "Пешонадан тер чиқара-

УМРА МУБОРАК

Шу йил Макка ва Мадинада умра—кичик хаж амалларини 2 млн.дан ортиқ киши бажарди. Саудия Арабистонида чоп этиладиган «Arab News» газетаси тарқатган маълумотларга кўра, зиёрат қилганлар дунёнинг 70 дан ортиқ мамлакатларидан ташриф буюришган ва Ер куррасининг 50 дан ортиқ тилларида мулоқот қилишди. Газета олиб борган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, умрага борувчиларнинг катта қисмини 30 ёшдан 40 ёшгача бўлганлар ташкил қилган. Улар кўпроқ оилали кишилар бўлиб, зиёратга ўз яқинлари билан бирга боришган. Зиёратгоҳга келганларнинг энг ками ўрта маълумотга эга инсонлар, деб ёзади газета.

РОССИЯ ҲАРБИЙ ҚУДРАТИНИ КУЧАЙТИРМОҚДА

Россия ўзининг ядро дастурларини замонавийлаштираётгани ҳақида расмий хабар берди. Бунга ноёб ракета ядро системаси яратилгани, ушбу ракеталар яқин келажакда, бирор-бир мамлакатда ўз ўхшашига эга бўлмаслиги мамлакат президенти томонидан эътироф этилди. АҚШ давлат департаменти вазиятга ўз муносабатини билдириб, биз Россия ҳарбий кучларининг модернизация қилинишини ўзимизга таҳдид деб билмаймиз. Чунки барча ҳарбий ислохотлар икки томон келишувларига биноан амалга оширилади, деди.



ПОЛЬША ТЎФОН ОСТИДА

Польшага ёпирилиб келган тўфон 7 нафар кишининг ҳаётига зомин бўлди, деб хабар беради «Рейтерс» ахборот агентлиги. Курбон бўлганлар ичда 6 ойлик чақалоқ ҳам бор. Кучли бўрон вақтида гўдакнинг устига дарахтнинг катта шохи синиб тушган.

Мамлакатнинг баъзи ҳудудларида шамол тезлиги соатига 126 метр тезликни ташкил этган. Электр симлари узилиши натижасида 10 мингдан ортиқ аҳоли электр қувватисиз қолиб кетган. Обҳавони кузатиш бош бошқармаси мутасаддилари кучли тўфон аралаш ёмғир Россиянинг Калининград шаҳри томон йўл олаётгани ҳақида хабар бермоқда.

Қутқарув хизмати ходимлари йўлларни тозалаб, электр тармоғини имкон қадар тезроқ созлашга жадал киришмоқдалар. Умуман олганда, Польша ва Россиянинг айрим ҳудудларида қиш қаттиқ келиши кутилмоқда.

ИНТЕРНЕТДА НАЗОРАТ КЕРАКМИ?

Россия таълим вазири Андрей Фурсенко интернет ресурслари давлат томонидан назоратга олинмоғи керак, деб таъкидлади ўз нутқида.

Японияда бўлиб ўтган илм-фан технологиялари форумида нутқ сўзлаган вазир ҳозирги кунда интернет тармоғи орқали тарқалаётган илмий тадқиқотлар ҳаддан ташқари ошқора ёритилмоқда. Чунки янги технологияларга доир турли ахборотлар, таҳлилий мақолалар ва бошқа манбалар орқали янги кашфиётлар оммабоп бўлиб кетмоқда. Натижада илмий ишлар баъзи ҳолларда тайёрлигича кўчириб олинапти, деди. Китода бўлиб ўтган халқаро ййгилишда дунёнинг 40 мамлакатидан 500 дан ортиқ вакил келган бўлиб, дунёнинг халқаро интернет уяси етакчилари бу борада кўплаб мулоҳазалар билдиришди, деб хабар беради «Новости» ахборот агентлиги.

МУСИҚАНИ АНГЛАШНИНГ ЯНГИ УСУЛИ

Сан-Диегода жойлашган Калифорния психология университети олиmlарининг тадқиқотлари шуни кўрсатдики, агарда фарзандингизнинг мусиқий маҳоратини оширмоқчи бўлсангиз, болангизга хитой тилини ўргатинг, деб ёзади «Зе Гвардиан» (The Guardian) газетаси. Хитой тилини ўрганиш болада мусиқий ва умуман эшитиш қобилиятини салмоқли даражада оширади. Бир неча йиллик илмий жараёнлар ва текширувларнинг кўрсатишича, болаликдан хитой тилига меҳр кўйганлар ҳозирда яхшигина мусиқачилар бўлиб етишишган. Ҳаттоки кишилар билан мулоқот қилган чоғда ҳам улар осуда, секин, жозибали гаплашишади.

Олимлар ушбу ҳолатларга қуйидагича изоҳ бериб, хитой тилининг ниҳоятда жозибдорлигини ва қулоққа ёқувчанлигини эътироф этишди. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, юқори эшитиш қобилиятига Европада мингдан бир кишигина муяссар экан. Бундан ташқари, мусиқани ўрганаётган америкалик болаларда юқори эшитиш қобилияти 14 фоиз бўлса, худди шундай кўрсаткич хитойлик болаларда 60 фоизни ташкил қилади.

Интернет манбалари асосида Сарвар САЙЁР ўғли ва Нозима ИКРОМОВА тайёрлади.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани халқ таълими бўлими, туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси жамоалари 119-мактаб директори

ДАЛАБОЙ ТУРСУНОВНИНГ

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади ва ҳамдардлик билдиради.

ТУРКМАН ТАСВИРИЙ ВА АНЪАНАВИЙ САЊЪАТИ КЎРГАЗМАСИ

Замонавий Санъат Марказида «Туркман тасвирий ва анъанавий санъати» бадиий кўргазмаси бўлиб ўтди.

Кўргазмада рангтасвир, XIX-XX аср туркман гиламчилиги, анъанавий тўқимачилик, либослар, бош кийимлар, шунингдек, заргарлик санъати намоиш этилди. У ерда «кэтени», «гирмизи донлик», «совсаки», «сари тахта» каби қирмизи, феруза, настарин рангларида товланадиган эркак ва аёллар кийимлари тайёрланадиган матолар кўйилган. Бу матолар қадим-қадимдан фақат «тара» қўлбола оддий дастгоҳда тайёрлаб келинмоқда.

Заргарлик шакл ва нақши билан Туркманистоннинг турли ҳудуд ва элатларида фарқ қилса-да, образ йўналиши яхлитдир. Кумуш ва кумушли металллар гравировка, тилла қопланган ва, асосан,

ақиқ(сердолик) тошлар ва рангли шиша парчалари билан безатилан кумуш тақинчоқлар туркман аёлларининг фахри ва гурури бўлиб, уларнинг барча либосларини безаган, ҳатто ўзига хос совут ва зифасини бажарган.

Кўргазманинг тасвирий санъат бўлимида, асосан, Камолитдин Беҳзод номидаги Миллий расомчилик ва дизайн институтини турли йилларда битириб, бугунги кунда Туркманистон замонавий санъатида танилган К.Нурлиев, М.Ярмамедов каби рангтасвирчи, ҳайкалтарош, график расомларнинг асарлари ўрин олган. Улардаги ранг ва мавзулар туркман халқ санъати анъана ва безакларига асосланган.

Дилноза НОМОЗОВА,
ЎЗДЖТУ талабаси

Кўлида китоб, орқасида эса бола. Ўн саккиз ёшли Долорес Жамба, ўзининг оловранг кийимида кўзга яққол ташланади. У Анголанинг келажак бўлиб кўринади. Талаба она Долорес бугунги кунда ўқитувчи, у Анголанинг 4 минг мутахассисидан бири. 2003 йилнинг февralида Ангола тарихида янги бир билим бериш кампанияси — «Яна мактабга» дастури фаолият бошлади. ЮНИСЕФнинг, энг аввало, Бия ва

бахтли сезадилар, албатта, шунга кўра уларни ўқитиш осон бўлади», дейди Долорес. «Бу ҳафтада анчагина нарсаларни, хусусан, дарсни бузадиган шовқин кўтарилса, болаларни тинчлантиришни ўргандим», қўшимча қилади у.



Долореснинг азиз қишлоғи бўлмиш Кунинса Биянинг маркази бўлган Жан Китодан тахминан 30 километр узоқликда жойлашган. Бу қишлоқ -

Dunyo bolalari

раётган 39 нафар ўқитувчиларнинг бири Долингуш Каюмбукадир. Бўйлари баланд, қувноқ ва чаққон бу киши шундай деди:

— Мен Анголада бошланган ушбу ҳаракатни жуда муҳим деб ўйлайман. У янги билим эрасини очиб берди. Мен анголаликларнинг янги авлодининг билимли бўлиб шаклланиши учун дарс беришни истайман. Мана бугун аълочи ўқувчиларнинг ёнига дарсдан ортада қолаётган ўқувчиларни ўтказиш ҳақида гапиришди. Албатта, бу фикр менга ёқди.

До-


ЎҚИТУВЧИЛАР ИШОНЧ БИЛАН ЯШАМОҚДА

Миланжада йўлга қўйган ушбу дастурига биноан урушда азият чеккан 250 минг бола партага ўтирди.

«Яна мактабга» дастури Анголанинг ривожланиши учун янги бурилиш бўлди. Аммо юқори ташкилотлар барибир «Анголада бу ғоя бор эди, энди ҳар бир туманда махсус ўқиш, билим олиш муассасалари бўлиши ва уларга тажрибали ўқитувчилар жалб қилинишини кутишимиз керак», деб фикр билдиришди. «Яна мактабга» дастури ўқитувчиларнинг тажрибасини оширишга ҳам асосланган. 2003 йил февралдан бошлаб ЮНИСЕФ шошилинч равишда 5 минг нафар ўқитувчиларни тайёрлашни бошлади. Ҳафта давом этган тайёрлов курси, кейинги йилда сессияларга қўшиб юборилди. Албатта, буни ҳар томонлама тайёргарлик деб бўлмайди, аммо Долорес бу ишни удалашга ҳаракат қилади. «Ҳозир энг асосий вазифа ўқувчиларни мактабга қайтариш деб ўйлайман», дейди тўрт ойлик қизини орқасида ухлатиб олган Долорес.

«Мен энг яхши ўқитувчиларнинг билим берганларини эслайман, эндиги кунда эса ўзим кун сайин тажрибамни ошириб бораёпман», дейди у яна. Бир неча йил аввал у 50 нафар нотаиниш одамнинг ичига биринчи марта кирганида ўзини ноқулай ҳис қиларди? «Болаларнинг кўпчилиги аввал қаттиқ ҳаяжонланадилар, аммо мактабга келиб ўқиётганликлари учун ўзларини

нинг кўчалари кенг, одамлари меҳмондўст, шунингдек, бозорларида мевалар, дон-дун, оёқ кийимлар сотилади. Яқинда бу бозорда мактаб анжомлари (ўқув қуроллари) ҳам сотиладиган бўлди. Шу ернинг ўзидан китоблар, рўзномалар ва кўплаб ўқув қуролларини харид қилиш мумкин бўлиб қолди. «Яна мактабга» дастури иш бошлаганига бир ой бўлмасдан ЮНИСЕФ томонидан болаларга ўқув қуроллари, шунингдек китоб, қалам, портфель ва қоғоз берилди. «Бундан қаранг-а,



февраль ойию янги йилга ўхшаб кетди», дейди мактабга биринчи марта бораётган 7 ёшли Лусана исмли қиз.

Тинч яшаш имконияти пайдо бўлган анголаликларда энди билим олишга бўлган талаб ошган ва улар ўқишга қизиқишяпти. 27 йил давом этган фуқаролар урушининг охирига келиб Кунинсада фақат 21 та мактабгина омон қолган эди. Аммо бир йил ўтиб, маҳаллий аҳоли қўлларидан келганча ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда 41 та янги мактабни бунёд этишди. Ота-оналарнинг ўз болаларини мактабга беришлари ва билимли бўлишини исташларининг сабабларидан бири — ўқиш учун тўланадиган пулнинг бекор қилинганлигидир. Кунинсада тажрибасини оши-

мингуш, Долорес ва уларнинг дўстлари ўзларига берилган ўргатиш имкониятидан яхши фойдаланаётганга ўхшайдилар. «Яна мактабга» дастури Бия ва Миланжа вилоятларида катта шов-шувга сабаб бўлиб, зафар кучмоқда. АҚШнинг миллий бюджетидан 29 минг ўқитувчини қайта тайёрлаш, болалар сонини кўпайтириш ва бирдан тўртинчи синфгача бўлган ўқувчиларни 90 фоизга ошириш мақсадида 40 миллион доллар ажратилди. Тахминларга кўра йил охиригача дарсга қатнамайдиганлар сони 1,1 миллиондан 200 минггача камайиши мумкин. Бу

яқинда ма-

лакали ўқитувчи сифатида ишга юборилган Долореснинг умидлари ва ишончларини рўёбга чиқаради. Албатта бизга қалам, китобларнинг ва мактабларнинг кўп бўлганлиги яхши. Ана шунда барча анголалик болаларни мактабга жалб қила олардик. Аммо ҳозир қўлимиздан келганича бор имкониятимизни ишга солишимиз керак. Болаларга ўқиш учун қулайлик яратиш келажакни таъминлаш демакдир.

БМТнинг «Дунё болаларининг ахволи—2004» ҳисоботи асосида Умида ЙЎЛЧИБЕОВА, Зевара АХМЕДОВА тайёрлади.

Xoja Ahror Valiy tavalludining 600 yilligi oldidan

(Охири. Боши газетанинг ўтган сонларида.)

Демак, Хожа Аҳрор Валий улкан мусулмон минтақасини 30—40 йилча тинч-омон ва осойишта ҳолда сақлаб тура олган. Шомдан то Ҳиндгача ястаниб ётган мамлакатлардаги миллион-миллион аҳоли Хожамизнинг маънавият қудрати ва баракоти билан ором ва осойишта ҳаёт кечирганлар. Ўшандай улкан мусулмон минтақасида халқларининг тинч-осойишта ҳаёти XV юзйилликнинг иккинчи ярмида яратилган Худонинг улуғ неъматиди, баракоти эди. Бунда Худонинг севимли бандаси — Хожа Аҳрор Валийнинг неъматиди, баракоти, меҳр-шафқатли Хожамиз фаолиятининг улуғвор ижтимоий аҳамиятини кўриш мумкин. Ҳазрати Навоий ўз пири-муршиди Хожа Аҳрор Валийни «Муршиди офоқ» (Дунёнинг пири муршиди) деб юксак баҳолаганларида минг бора ҳақли эдилар! Туркистондаги уч темурийзода султонларнинг Тошкент вилояти сарҳадида бўладиган қонли урушининг олдини олганлиги, 200000 кишилик лашкарни тарқатиб юбориб, уч темурийзода султонлар (Султон Аҳмад, Султон Маҳмуд, Умар Шайх)нинг бошларини кўшиб, яраштириб қўйганлиги улуғ савоб ишларидан бири эди.

Хожа Аҳрор Валийнинг бундай тинчликсевар, меҳр-шафқатли фаолиятининг ижтимоий аҳамияти ўтган олти аср мобайнида ҳам, ҳозир ҳам ғоятда арзирли, муҳим ва долзарбдир. Айниқса, бунинг бағоят алғов-далғовли, бизлар яшаб турган бугунги XXI аср бошланиш даврида қанчалик аҳамиятли, долзарб ва муҳимлиги, шу кунларда авж олиб турган Афғонистон, Ироқ, Исроил, Фаластин, Кашмир бўҳронлари шароитида сезилиб турибди.

Ўзларини Хожамизга бағоят яқин тутиб, уларнинг XV аср иккинчи ярмида яратган руқбалари(мактублари)ни авайлаб тўплаб, мужаллад қилиб (жилдга солиб) асраб юрган улуғ ва донишманд шогирди Алишер Навоийнинг фаолияти туфайли ушбу муктаблар бизнинг кунларимизгача, бахтимизга, авайлаб сақланиб келинган. Уларнинг бир нусхаси ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзма асарлар хазинасида сақланиб келинган. Шарқшунослик институтининг бош илмий ходими, тарих фанлари доктори Асомиддин Ўринбоев сўнгги йиллар-

муҳим дунёвий-илоҳий мавзулардаги қимматбаҳо фикрлар баён қилинган. Халқ ғамини ейиш, одамлар ҳақида куйиб-ёниб, кишилар ғамида қайғуриш, яъни, халқпарварликдан иборат пок инсоний-дунёвий-илоҳий ғоялар бутун муктаблардан қизил ип бўлиб ўтади, уларнинг асосий матлаби, мазмуни ва моҳиятини ташкил этади. Оддий мусулмон кишиларни золим ва мустабидлар шарри(зулми)дан қутқариш фикри, Хожাগон(Нақшбандия) тариқатидаги асосий ғоя ва мазмун ушбу муктабларнинг ўзагини ва меҳварини ташкил қилари.

Забардаст шоир, муаррих олим, ўз даврининг йирик ижтимоий ва сиёсий арбоби Заҳриддин Муҳаммад Бобур ўзининг пири-муршиди Хожа Аҳрор Валийни жуда кўп бор ҳаёти қил устида турганида, жанг олдида ёки оғир касал бўлганларида тушларида кўрганлигини, Ҳазрат Эшон унга ҳамиша руҳий қувват бағишлаганини ёзади. Бобур унинг «Волидия» асарини насрдан назмга ағдариб, кириш қисмида Ҳазрати Хожани юксак эъзозлаб, мана бундай жовидон сатрлар битиб қолдирган:

**Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳдин,
Эшит ул сирри Худо огоҳдин.
Хожалар хожаси ул Хожа Убайд,
Ходиму чокари Шиблий-у Жунайд.
Ҳолату мартабаси зоҳир-дур,
Васфу таърифида тил қосир-дур,
Отаси қилган учун таклифе,
Қилди онинг отиға таълифе.
Толиб эл тилиға мазкур-дурур,
«Волидиййа» била машхур-дурур.**

Хожа Аҳрор Валий ўз даврининг улкан шоири Саййид Қосим Анвар билан Самарқандда бир неча бор учрашган ва унинг ижодига ҳурматининг баландлиги туфайли шеърларидан парчалар ўқиган. Қосим Анвар ҳам Хожа Аҳрор Валийга ҳурмат билан қараган, у ҳақда илиқ сўзлар айтиб, келажакдан башорат қилган.

Демак, Буюк пир бадий адабиёт билан жуда яқин бўлган, уни бекорга Жомий, Навоий, Бобурлар ўзларининг маслақдоши, руҳий пирлари деб эъзозламаганлигига яна бир қарра ишонч ҳосил қиламиз.

**Барот БОЙҚОБИЛОВ,
Ўзбекистон халқ шоири, Алишер
Навоий номидаги
Давлат мукофоти соҳибига,
Ориф УСМОН,
филология фанлари
доктори, профессор**

ХОЖА АҲРОР ВАЛИЙ
ҲИКМАТЛАРИ

да уларни тўплаб, алоҳида «Альбом» шаклида, аввало Тошкентда нашр қилдирди, кейинроқ мазкур «Альбом» Тожикистон, Эрон ва АҚШда қайта нашр эттирилди.

Шундай қилиб, бузургвор Хожамизнинг мазкур муктаблари ҳозир бутун дунё юзиде кўрилади, ўзбек, тожик, форс ва инглиз тилларида ўқувчиларнинг мулкига айланган. Ўз даврида турли шахсларга мухталиф мавзуларда ёзилган ушбу муктабларда тасаввуфий-ирфоний, дунёвий-илоҳий мазмунларда поклик, ҳалоллик, меҳр-шафқат, мурувват, ҳудожўйлик, исломий, умуминсоний, тинчликсеварлик каби энг

Алишер Навоий ўзининг «Ҳайратул-аброр» асарида Ҳазрати Хожа Аҳрор Валийнинг буюк оламшумул аҳамиятини юксак баҳолаб, мана бундай сатрлар битганлар:

**Улки бу офоқ ичинда тоқ эрур,
Тоқ неким, муршиди офоқ эрур.**

Таваллудига бу йил 600 йил тўлган Хожа Аҳрор Валий ал-Шошийнинг туғилган жойи, таълим олган устозлари ҳамда ул Зоти муборакнинг оламшумул аҳамияти, мусулмон Шарқи халқлари тарихида туғилган улкан мавқеи ҳақида Навоий ўзининг «Насойимул-муҳаббат» асарида муфассал ёзиб қолдирган.

А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМининг 2004 йил декабрь ойи учун халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари режаси

Т/р	Курс тингловчиларининг тоифалари	Муддати
1	Туман(шаҳар) ХТБ методкабинет мудирлари	1 — 15 декабрь
2	Туман(шаҳар) ХТБ бошланғич таълим методистлари учун ИПТ ва рейтинг тизимини қўллаш бўйича маърузачилар курси	1 — 15 декабрь
3	Туман(шаҳар) ХТБ юқори синф (6—7) методистлари учун ИПТ ва рейтинг тизимини қўллаш бўйича маърузачилар курси	16 — 29 декабрь
4	Мактаб амалиётчи психологларидан психолог-тренерлар тайёрлаш махсус курси	16 — 29 декабрь
5	Ташхис маркази дефектологлари махсус курси	16 — 29 декабрь
6	Ташхис марказлари раҳбарлари махсус курси	1 — 15 декабрь
Умумий ўрта таълим мактаб директорлари мутахассислик фанлари бўйича		
7	Ўзбек тили ва адабиёти	1 — 22 декабрь
8	Тарих-география	1 — 22 декабрь
9	Рус ва хорижий тиллар	1 — 22 декабрь
10	Ёш директорлар	1 — 22 декабрь
11	Кимё-биология	1 — 22 декабрь
12	Математика-информатика	1 — 22 декабрь
Махсус таълим муассасалари ходимлари		
13	Меҳрибонлик уйлари директор ўринбосарлари	1 — 15 декабрь
14	Ёрдამчи мактаб математика ўқитувчилари	16 — 29 декабрь
Мактабдан ташқари таълим муассасаси директорлари		
15	БҮИМ директор ўринбосарлари	1 — 15 декабрь
16	Туман(шаҳар) ХТБ йўл ҳаракати бўйича назоратчилари курси	16 — 29 декабрь

Эслатмалар:

1. Тингловчилар институт меҳмонхонасида жойлашадилар, институт кутубхонаси ва қироатхонасидан фойдаланадилар. Сафар харажатлари институт ҳисобидан тўланади. Йўл харажатлари фақат давлат транспортларининг чипталари асосида тўланади. Курсларда машгулотлар ўзбек тилида олиб борилади. Таниқли педагог олимлар, ДТС ўқув дастури, дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар муаллифлари, республика Маънавият ва маърифат маркази масъул ходимлари билан учрашувлар ўтказилади ҳамда Темурийлар тарихи давлат музейига ва бошқа зиёратгоҳларга саёҳатлар уюштирилади.
2. Тингловчиларнинг сафар гувоҳнома-сида юқорида қайд қилинган курсларнинг қайси бирига юборилганлиги ҳамда лавозими аниқ кўрсатилган бўлиши ва улар режада кўрсатилган муддатларда етиб келишлари шарт.
3. А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ қошидаги санаторий-профилакторийга Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар касаба уюшма кўмитаси томонидан берилган пул ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат асосида қабул қилинади.
4. Хоҳловчилар профилакторийнинг ўзидан нақд пулга йўлланма сотиб олишлари мумкин.

МАНЗИЛ: Тошкент—95, Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси, 6-у^й
Транспортлар: Жанубий вокзалдан 131-автобуснинг Талабалар шаҳарчаси бекатигача;
Шимолий вокзалдан метронинг Тошкент бекатидан Беруний бекатигача.

ХУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР
ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

Республикамиз ҳудудида Вазирлар
Маҳкамасининг 622-Ф фармойишига биноан
10 ноябрдан 10 декабргача

ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ

Ўтказилиши муносабати билан ёнгини
олдини олиш ва уни бартараф этиш ишларида фаол
қатнашинингизни сўраймиз.

Ёдингизда тутинг ёнгин хавфсизлиги
қоидаларига риоя қилиш орқали Сиз ёнгиннинг
келиб чиқишини бартараф этган, давлат ва шахсий
мол-мулкингизни, ўзингизни ҳамда атрофнингиздаги
кишилар ҳаётини асраб
қолган бўласиз.



Юнусобод тумани
Ёнгин хавфсизлиги бўлими

ДУКЕНТ МУСОБАҚАЛАРИДА

тиббий хизмат ҳам кўрсатилди

Тён-Шон тоғ тизими этагида денгиз сатҳидан 1100 метр баландликда жойлашган Тошкент вилоятининг Дукент қишлоғидаги республика ўқув-машғулот базасида имконияти чекланган болаларнинг махсус Олимпия ўйинлари спорт мусобақалари уюштирилди. Тадбирга «Спешиал Олимпикс Узбекистан» спорт жамоат уюшмаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, «Соғлом авлод учун» халқаро ноҳукумат хайрия жамғармаси, Миллий олимпия қўмитаси, БМТ Тараққиёт

дастури ва Ўзбекистон энгил атлетика федерацияси ҳомийлик қилди. Ёш иштирокчиларни бу жойга йиғишдан мақсад уларнинг табиат қўнида дам олишларини ҳам ташкил этишдан иборат эди. Дукентга Наманган, Навоий, Хоразм, Самарқанд вилоятлари ва Тошкент шаҳрида ўтган мусобақаларнинг саралаш босқичлари ғолиблари—90 нафар имконияти чекланган бола, мураббий ва тарбиячилари ҳамроҳлигида ташриф буюрди. Енгил атлетика, мини-футбол, стол тенниси, копток отиш, ядро улоқтириш ва спорт эстафетаси бўйича барча болалар ирода ва маҳоратини кўрсатди. Улар ўрта-

сида бир ҳафта давомида кўнгил очиш ўйинлари, болалар ижодий жамоалари концертлари, «Менинг орзуим дунёси» мавзuida бадиий асарлар танлови ҳам ўтказилди. Шунингдек, ҳар бир бола «Соғлом авлод учун» жамғармаси мутахассислари томонидан умумий тиббий кўрикдан ўтказилди. Бундай тадбирларда иштирок этиш орқали имконияти чекланган болалар ўзларини жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида ҳис этишга ўрганади. Ғолиблар таркибидан Марказий Осиё мамлакатлари Махсус Олимпия ўйинларида иштирок этувчи терма жамоа шакллантириладиган бўлди.

Ойбек СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗДЖТУ талабаси

Маълумки, 2006 йили Германияда футбол бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтади. Миллий терма жамоамиз мазкур мусобақаларнинг иккинчи саралаш босқичидаги сўнгги учрашувини 17 ноябрь куни «Пахтакор» марказий стадионида Хитой Тайпейи футболчилари билан ўтказди. Февраль ойида бошланган саралаш учрашувларининг бешин-

лар ҳужумчиси терма жамоамиз дарвозасига битта жавоб тўпини киритди. Бу гол ҳам жавобсиз қолмади—6:1. М.Қосимов рақиб дарвозасига учинчи голни киритиб, «хет-трек»ка эришди. У миллий терма жамоа таркибидаги олтиншинчи учрашувда ўзининг йигирма тўққизинчи голни киритди. Жаҳон чемпионатининг иккинчи саралаш гу-


МИРЖАЛОЛНИНГ «ХЕТ-ТРЕК»И

бу унинг миллий чемпионатдаги голлари сонини 29 та бўлишини таъминлади

чи тури натижаларига кўра, терма жамоамиз муддатидан олдин саралашнинг финал босқичига йўланма олганди. Шундай бўлса-да, миллий жамоамиз мазкур учрашувни ҳам кўтаринки руҳда ўтказиб, Хитой Тайпейини 6:1 ҳисобида енгишга муваффақ бўлди. Биринчи бўлимда ҳамюртларимиздан А.Гейнрих, «Динамо» (Киев) ҳужумчиси М.Шацких, «Пахтакор»чи Л.Кошелев Хитой Тайпейи жамоаси дарвозасига биттадан, терма жамоамиз сардори М.Қосимов иккита гол киритиб, биринчи бўлимни 5:0 ҳисобида якунладилар. Беллашувнинг иккинчи ярмида меҳмон-

руҳидаги олти учрашувдан бештасини ўз фойдасига ҳал қилган Ўзбекистон терма жамоаси бир учрашувда дуранг ўйнади, тўплар нисбати эса, 16/3. Жаҳон чемпионати саралаш босқичининг охириги турига чиққан саккиз терма жамоа икки гуруҳда 4,5 та йўланма учун беллашади. Германияга ҳар икки гуруҳдан энг кучли иккитадан жамоа Осиё шарафини ҳимоя қилиш учун боради. Учинчи ўринни эгаллаган жамоалар ўзaro куч синашади. Ғолиб Марказий Америка минтақаси билан Осиё «ўртасидаги» йўланма учун майдонга тушади.

ХОЛИФИЛД ЯНА РИНГГА ҚАЙТМОҚЧИ



Ўта оғир вазнли собиқ, мутлақ жаҳон чемпиони Эвандер Холифилд яна профессионал рингга қайтиш истагини билдирди, деб хабар беради РИА «Новости» ахборот агентлиги.

Ўтган шанбада 42 ёшли Холифилд Лэрри Дональд билан бўлган жангда 260 та мушт ўтказиб юбориб, ўзи бор-йўғи 78 марта рақибига зарба бера олган. Шифокорларнинг яна рингга қайтиш ҳақидаги хулосаларини олиш учун энди боксчи тиббий текширувдан ўтиши керак.

Холифилд Нью-Йоркдаги Атлетика комиссияси томонидан соғлиги туфайли рингдан четлаштирилди. Бу шуни билдирадики, АҚШнинг бошқа штатларидаги шифокорлар ҳам Нью-Йоркдаги ҳамкасблари хулосаларини қўллаб-қувватлайдилар. Холифилд яқин орада АҚШнинг бирор бир штатида рингга чиқа олмайди. Спортчининг суд орқали бу қарорни бекор қилдириш ҳуқуқи бор. Бунинг учун эса унга яна соғлиги тўғрисидаги шифокорлар маълумоти керак бўлади.

«ЖОРДАН» ВА «ЯГУАР» СЎНГГИ ДАҚИҚАЛАРДА МУАММОНИ ҲАЛ ЭТДИ

«Формула-1» автопойгалининг кейинги йилги «Гранпри»сида қатнашиш учун ариза беришнинг охириги куни душанба эди.

Бунинг учун унча катта бўлмаган бадал тўлаш лозим бўлар эди. 2005 йилда қатнашадиган ўнта жамоадан

«Жордан» ва «Ягуар» узоқ вақт давомида харидор кутди. «Редд Булл» компанияси маъмуриятининг душанба кунги баёнотида кўра «Ягуар»нинг кейинги тақдири 2005 йилги чемпионатга боғлиқ бўлиб қолган.

«Жордан»нинг «Форд» би-

лан имзолаган ўтган йилги шартномаси мотордаги айрим камчиликлар туфайли бекор қилиниб, «Тойота» фирмаси билан янги шартнома имзоланиши кутилмоқда. Япон фирмаси ўтказган сўнгги пойга автоуловлари намоиши ҳам бу эҳтимолни янада кучайтирди.

10 НАФАР ГРОССМЕЙСТЕР ТЎПЛАНДИ

Москвада бошланган 57-суперфиналда ўн нафар гроссмейстер дона сурмоқда. Ўн уч карра жаҳон чемпиони Гарри Каспаров учун старт олиш матчида Евгений Бареевни енгиш қийинчилик туғдирмади.

Александр Грищук ҳам Александр Мотылев устидан ғалаба қозониб, биринчи қадамни ташлади. Виталий Цешковский Петр Свидлерни доғда қолдириб, дунё рейтингда саккизинчи ўринни банд этди. Сўнгги учрашувда Владимир Епшин ва Александр Морозевич дона сур-



ди. Епшин оқ доналар билан ўйнаган бўлса-да, ғалаба қозона олмади.

Биринчи тур натижалари куйидагича:

Александр Грищук - Александр Мотылев - 1:0

Владимир Епшин - Морозевич Александр - 0,5:0,5

Алексей Дреев - Артем Тимофеев - 0,5:0,5

Петр Свидлер - Виталий Цешковский - 1:0

Гарри Каспаров - Евгений Бареев - 1:0.

ФЕДЕРЕР ХЬЮИТТДАН УСТУН

Пайшанба куни Хьюстонда ўтган АТР нинг 2004 йилги мавсуми иккинчи турида ўйинни «қизил гуруҳ»да ниҳоясига етказган дунёнинг биринчи ракеткачиси деб эътироф этилаётган швейцариялик Роже Федерер ва рейтинг жадвалининг учинчи поғонасини эгаллаб турган австралиялик Ллейтон Хьюитт матчида 6:3, 6:4 ҳисоби қайд этилди.



Чоршанба куни бошланган ўйинда 6:3, 4:2 ҳисобида Роже Федерернинг кўли баланд келди. Ўша куни теннисчилар ёмғир остида ўйнаган эдилар. Эртаси куни эса Федерер 6:4 ҳисобида ўйинни ўз фойдасига ҳал қилди.

Икки тур натижаларига кўра Федерер ҳисобида иккита ғалаба бор. Ллейтон Хьюитт ва Карлос Мойяда эса ютуқ биттадан. Австралиялик теннисчи аргентиналик Гастон Гаудио устидан ғалаба қозониб, Роже Федерер билан кортга тушганди.

РОССИЯ ТЕРМАСИ УЧИНЧИ ЎРИНДА

Ягона ва сўнгги имкониятдан Россия терма жамоаси футболчилари унумли фойдаланиб қолдилар. Эстония терма жамоаси билан бўлган учрашувда Россия футболчилари ғалаба қозонди.

Россия терма жамоасининг бош мураббийи Георгий Ярцев ўйин тугаши биланоқ берган интервьюсида «Йигитлар чиройли ўйнай олишларини кўрсатди», деди. 4:0 ҳисоби қайд этилган ўйиндаги гол муаллифлари Андрей Каряка, Марат Измайлов, Дмитрий Сычев и Дмитрий Лоськов бўлди. 2006 йилда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатининг саралаш мусобақаларининг гуруҳ баҳсларида Россия бу ғалабаси билан учинчи ўринга чиқиб олди.



УИЛЯМС БОКСДАН КЕТАДИ


Британиялик боксчи Дэнни Уильямс боксдан кетишини маълум қилди. Лас Вегасда 11 декабрь куни ўта оғир вазн тоифасида WBC таснифида ғолиблик учун Виталий Кличко билан бўлиб ўтадиган жангдан сўнг у бокс билан хайрлашади, деб хабар беради AllBoxing сайти Boxingscene.com сайтидан олиб.

Уильямс ислом динини қабул қилган. Боксчининг таъкидлашича, бокс билан шуғулланиш унинг кейинги диний келажаги учун тўғри келмайди. «Мен боксни имоним туфайли ташлайман. Аллоҳ таолога бўлган ишончимга тўғри келмайдиган барча нарсадан воз кечмоқчиман», - деди боксчи.

Лекин у ўз сўзида Кличко билан бўладиган жангдан сўнг профессионал рингни тарк этиш ёки этмаслиги тўғрисида ҳеч нима демади.

Шарифа МАДРАҲИМОВА тайёрлади

ХАР СОҲАДАҲ БИР ШИҲТИМ



1. Организмларнинг табиий шароитга қараб тарқалиш қонуниятларини ўрганувчи фан. 2. Самодаги шахар. 3. Атмосферадаги оптик ҳодиса. 4. Нерв толаси. 5. Сувнинг чуқурлигини ўлчайдиган асбоб. 7. Кимёвий элемент атом массасининг ҳар хил кўринишлари. 8. Бизда етиштирилмайдиган мева. 9. Афсонавий махлуқ. 10. Хариталарнинг системали тўплами. 11. 0° параллел. 12. Венециялик сайёҳ. 13. Океанларни тасвирловчи фан. 17. Қадимий давлат. 18. Зенитга қарама-қарши нуқта. 19. Ландшафтдаги ўсимлик ва ҳайвонлар комплекси. 21. Аммиакнинг сувдаги эритмаси. 24. Ифлос, ёмон одам. 27. Математик олим. 29. Ернинг ҳақиқий шакли. 36. Квант генераторининг умумий номи. 37. Кения пойтахти. 38. Ой юзида ҳаракатланувчи аппарат. 39. Тупроқдаги чиринди. 46. Дарё сув йиғадиغان ҳудуд. 47. Фунгицид, элемент. 48. Республикадаги қадимий қалъа харобаси. 49. Баланд тоғ иқлими. 56. Буддизмда инсон интилишларининг олий ҳолати. 57. Дарё ўзанининг илонизи шакли. 58. Италиядаги вилоят. 59. Кузатувчи назарида метеорларнинг осмон сферасидан чиқиш нуқтаси. 60. Махсус автомобилларда ўтказиладиган маршрутли пойга. 64. Сунъий соч. 65. Туркиядаги қўл. 66. Мучакнинг пишиқ бириктирувчи қисми. 71. Товарнинг соф оғирлиги. 72. АҚШ штати. 73. Ҳамма учун мос. 74. Мезозой эраси даври. 78. Ер пўстининг тектоник ҳаракатчан қисми. 79. Ҳожи-

акбар Шайховда тобор, Карл Чапекда эса... 80. Скандинавияда тарқалган қирғоқ шакли. 81. Сайёраларнинг қуёш ва ерга нисбатан жойлашуви. 88. Ўрта ер денгизидagi орол. 89. Африкадаги чўл. 99. Ичакни қоплаган ёғ. 101. Субтропик мева. 104. Жанубий Америкадаги давлат. 107. Бир хил чуқурликларни бирлаштирувчи чизиқ. 110. Боксдаги ҳолат. 111. Юнон драматурги. 114. Иммуни тизимда муҳим тугунлар. 116. Ҳайвонот дунёси. 119. Шамол тури. 121. Француз ёзувчиси. 122. Энергия ўлчов бирлиги. 124. Қозоғистондаги дарё.

ЭНИГА: 6. Катта Айиқ туркумидаги юлдуз. 14. Майда сув ўтлари. 15. Ер пўсти тузилиши ва ҳаракатларини ўрганувчи фан. 16. Вахш дарёсидagi электростанция. 17. Венгриядаги қўл. 20. Шамсий йилнинг тўртинчи ойи. 22. Зевснинг рафиқаси. 23. Афғонистондаги тоғ тизмаси. 25. Ҳиндуизмда олов худоси. 26. Ёзув қуроли. 28. Тўп узатиш. 30. Жиззахдаги туман. 31. Қимматбаҳо минерал. 32. Осмон сферасидagi нуқта. 33. Каспийга қуйилувчи дарё. 34. Одиссейнинг кемаси. 35. Денгиз саёзлигидаги қоялар. 37. Энг узун дарё. 40. Ер юзасидagi энг катта сут эмизувчи. 41. Африкадаги давлат. 42. Инерт газ. 43. Европадаги пойтахт. 44. Соатнинг 1/60 қисми. 45. Дедал ва... 50. Ернинг қуёш атрофида айланиб чиқиши учун кетган вақт. 51. Оптик квант генератори. 52. Қирғовулсимонлар оиласига мансуб қуш. 53. Ҳамма томони сув билан ўрал-

ган қуруқлик. 54. Сернам иқлим типи. 55. «Бошсиз чавандоз»нинг муаллифи. 61. Ботиқ ёки қавариқ сиртли шаффоф жисм. 62. Қуёш ва биологик жараёнларнинг боғлиқлигини ўрганувчи фан. 68. Машҳур психолог. 69. Африкадаги қадимги одам қолдиқлари топилган жой. 70. Африкадаги дарё. 75. Энг баланд шаршара. 76. Математиканинг бўлими. 77. Италия олими, астроном. 82. Сатурннинг йўлдоши. 83. Этник бирлик. 84. Франциядаги аэропорт. 85. Бошоқли экин. 86. Қумушсимон оқ, мустақам металл. 87. Чопса чопилмайди, кўмса кўмилмайди. 92. Норвегия пойтахти. 93. Қадимий гидротехник иншоот. 94. Манфий зарядли ион. 96. Кокос пальмаси чикиндиси. 97. Мусиқа асбоби. 98. Тибр бўйидаги шахар. 100. Шахматдаги фигура. 102. Ўсимликнинг ўсиш нуқтаси. 103. Сатурннинг энг яқин йўлдоши. 105. Қўлнинг қисми. 106. Сув оқадиган катта ариқ. 108. Лира юлдуз туркумидаги ёрқин юлдуз. 109. Ер юзидagi энг қурғоқчил шахар. 110. Асосини тамаки ва оҳак ташкил қиладиган аралашма. 112. Араб грамматикасига оид тушунча. 113. Суяқ бўшлигидаги модда. 115. Транспорт тури. 117. Ёқилғи тури. 118. Тўлқинларнинг қирғоқни емириш ҳодисаси. 120. Африкадаги дарё. 123. Фасл. 125. Ернинг магнит майдони. 126. Ерни сайёра сифатида ўрганувчи фан. 127. Халқасимон маржон ороли.

Тузувчи:
Равшан АБДУЛЛАЕВ,
Жиззах вилояти

ЖОН ШИРИН...
ҲАЁТ ГЎЗАЛ

Xullas...

айниқса баландликдан қаралганда

Ақли-хуши жойида, соғлом бир киши тунда кўпқаватли уй қуриладиган жойга келиб, улкан кўтарма краннинг учига чиқди. Пастга қаради-ю, кўзлари тиниб кетди, боши айланди, оёқлари гўёки ердан узилиб, муаллақ тургандек...

Ерга тушиш азоб, бунинг уддасидан чиқиши гумон. У беихтиёр дод-вой сола бошлади. Ўтиб кетаётганлардан бири унинг овозини эшитиб, қутқарув хизматига хабар берган шекилли, бирпайт қутқарувчилар ҳозир у нозир бўлишди. Пастга туширилган, ундан нега бундай қилганининг сабаби сўралганида: «Мен ҳаётдан зерикдим. Тепага чиқиб, бу зериклишни бартараф этмоқчи эдим» деб жавоб қилди.

Ажаб дунёнинг ажаб одамлари бор-да, дейсан бундай воқеаларни кузата туриб.

ҚУШЛАР ҲАМ СОФИНАР ЭКАН...

Олимлар қанотли дўстларимиз — қушларнинг ҳам бир-бирларига меҳр-оқибати кучли эканлигига амин бўлишди. Янги Зеландиянинг шимолий оролида яшовчи читтакни орнитологлар бошқа томонга, яъни Окленд шахарчаси йўналиши бўйлаб учираб юборишди. «Дугонаси»дан ажратилган қуш орадан икки ой ўтиб, яна изига қайтди. Мутахассислар унинг айнан ўша қуш эканлигини панжасига қўйилган белгидан билишди.

Энди тасаввур қилинг, орадан ўтган вақт икки ой, масофа 67 км. Дарёлар, тоғлар, қишлоқлару, яна қандайдир жойлар оша читтак ўзи яшаган қўриқxonани адашмасдан

топиб келган. Қойил! Демак, меҳр-оқибат, соғинч туйғуси фақат одамлардагина эмас, балки миттигина қушларда ҳам бўлар экан-да...

ana shunaqa
gaplarЎЗБЕКИСТОНДА ГЛОБУСЛАР
ИШЛАБ ЧИҚАРИЛА БОШЛАНДИ!

XI аср бошида буюк бобокалонимиз Абу Райҳон Беруний сайёрамиз думалоқ шаклда эканлиги ҳақидаги кашфиётни инсониятга тақдим этган эди. Минг йиллик танаффусдан сўнг бизнинг корхонамиз ҳамюртларимизга ўз миллий тилимиздаги илк глобусларни тақдим этиш бахтига муяссар бўлди.

Вазирлар Маҳкамаси қошидаги «Картография» илмий ишлаб чиқариш корхонасида нашр қилинган харита асносида ишлаб чиқарилган бежирим, сифатли, барча илмий талабларга жавоб берадиган янги имлодаги сиёсий-маъмурий глобуслар (масштаб-1:50.000.000) тўғридан-тўғри ишлаб чиқарувчи корхонадан пул ўтказиш йўли билан сотилади.

ГЛОБУС
ТАГЛИГИДАН

1. Сайёрамиз ҳақидаги умумий таъриф;
2. Дунё аҳолиси;
3. Жаҳон макроҳудудлари ва экология;
4. Ирқ ва динлар тўғрисидаги маълумотлар ўрин олган.

Манзил: Тошкент вилояти Қибрай тумани, Геофизика кўргони, 43-йўналишли микроавтобуснинг сўнгги бекати
Тел: 8-371-155-24-63, 161-34-68, 330-34-68. Факс: 64-08-15
Хусусий тадбиркор «Исроилов Дилмурод Зокирович»

«Жомбой дои маҳсулотлари» очик акционерлик жамияти 2004 йил 25 декабрь соат 10.00 да акционерларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бўлишини маълум қилади. Мажлиснинг кун тартиби:

1. Кузатув кенгаши аъзолари таркибини қайта сайлаш тўғрисида.
- Ўтказилиш манзили: Жомбой шаҳри, Буюк ипак йўли, 1-уй.
Маълумот учун телефонлар: 8-3662-33-14-09

Ma'rifat

ТАБСИС
ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Хулкар ТҮЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
№ 024 рақам билан 2003 йил
17 декабрда рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-128.
Тиражи 19595. 1 2 3 4 5
Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз
бичими А-3.

Навбатчи муҳаррир:
Шарифа МАДРАХИМОВА.
Навбатчи:
Беҳзод ФАЗЛИДДИНОВ.

«Ma'rifat»-дан материалларни кўчириб босиб таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.

белгиси остида реклама материаллари берилади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—133-99-15, олий таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-55-58, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим ва халқаро ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-56-97, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими — 136-54-69.

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида
Лилия БИНАШЕВА
ва Милоҳат ТОШОВА
сахифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акционерлик компанияси
босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон»
кўчаси 41-уй

Босишга тошпириш вақти — 21.00.
Тошпирилди — 21.00.